# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 83 (9.275) 1999 йил 19 июль, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Давлат божхона қўмитаси Божхона коллежи курсантлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ташаккурнома йўллашди. Унда жумладан шундай дейилади: «Сизнинг ёшларга нисбатан кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигингиз туфайли мустақил юртимизда кўплаб гимназиялар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, янги олий ўқув юртлари бунёд этилмоқда. Жумладан, Сизнинг шахсий ташаббусингиз билан бир йил олдин ташкил қилинган Божхона коллежи — ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз ва меҳрибончилигизнинг ёрқин тимсолидир».

◆ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан И. С. Акромов Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйида Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирларининг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

◆ Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ҳузуридаги Инсон конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди.

◆ Республикамизда иқтидорли ёш хонандалар, қўшиқнавис шоирлар ва мусиқавий гуруҳларни излаб топиш, уларнинг санъатини рағбатлантириш, янги номларни кенг оммага таништириш ниятида «Буюк ипак йўли» номли санъат фестивалига тайёргарлик қизғин бормоқда.

◆ Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида олға сурилган долзарб масала — муаммоларни ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

◆ Ҳамюртимиз — ёш гроссмейстер Рустам Қосимжонов Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида 30 июлда бошланадиган жаҳон биринчилигида иштирок этадиган бўлди.

◆ Пойтахтимиздаги «Пахтакор» кортида ҳаваскор теннисчилар ўртасида мусобақа ўтказилди. Аёллар ўртасида бўлган учрашувда Н. Машенцева, эркаклар ўртасидаги беллашувда эса В. Жўраев ғолибликни қўлга киритишди.

### ЖАҲОНДА

◆ Озарбайжон пойтахтига Австрия ташқи ишлар вазири Вольфганг Шуссел расмий ташриф билан келган. У Президент Ҳайдар Алиев билан учрашди, шунингдек ташқи ишлар вазири Тофиқ Зулфиқор билан музокаралар ўтказди.

◆ Болгария пойтахтига НАТО Бош котиби Хавьер Солана амалий ташриф буюрди. У бу ерда Болгария Президенти Пётр Стоянов, парламент раиси Йордан Соколов ҳамда ташқи ишлар вазири Надежда Михайлова билан учрашади.

◆ Қирғизистонда чигирткаларнинг ялпи «ҳужуми» кутилмоқда, деб хабар беради «КАБАР» ахборот агентли. Республика фуқаро мудофааси штабида бу офатга қарши қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилаётир.

◆ Кенияда безгак эпидемияси авж олди. Сўнгги уч ой ичида бу касаллик оқибатида мингдан ортиқ кишилар оламдан ўтди.

◆ Эйфель минораси 110 ёшга тўлди. Парижликлар бу санани чинакам байрамга айлантиришди. «Кекса хоним», «темир хоним» ёки «ҳаво оқимлари қасри» деб аталадиган бу иншоот Парижнинг кўрки ҳисобланади.

◆ Францияда мамлакат миллий байрами — Бастилия ишғол қилинган кун катта тантаналар билан нишонланди.

◆ Литва бош вазири Роландас Паксас амалий ташриф билан Финляндияда бўлди. Мулоқотлар чоғида у Литванинг Оврупо Иттифоқига қўшилиш жараёни билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

◆ Жанубий Корея ҳукумати биносида катта ёнғин чиқди. Оқибатда улкан бинонинг тўртинчи қаватига жиддий шикаст етди.

◆ Чеченистон ва Доғистон уламолари шўроси ўзининг фавқулодда мажлисида Россиянинг Кемерово вилояти губернатори Омон Тулеевни «ўлимга ҳукм этди». Бунга унинг христиан динига ўтганлиги тўғрисидаги миш-мишлар сабаб бўлди. Куни кеча О. Тулеев бу шов-шувлар мутлақо ёлғон эканлигини айтиб, ўзга динга ўтганлигини рад этди.

◆ **Кеча** Омск вилояти изоляторидан вақтинча сақланаётган бешта маҳбус қочиб кетди. Улардан иккитаси ушланди, қолганлари қидирилмоқда.

◆ Улан-Баторда 100 катакли шашка бўйича тезкор усулда ўтказилган Осиё чемпионати мусобақаларида ҳамюртларимиз муваффақиятли қатнашдилар.






## ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ







Рустам Шарипов олган суратлар.

*Қурилиш*

## БУНЁДКОРЛАР СОВҒАСИ

***Тошкентнинг Эски шаҳар қисми тобора обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Бу ерда кўплаб турар жой бинолари, маданий-маиший объектлар қад кўтариб фойдаланишга топширилялти.***

Айниқса кейинги йилларда Форобий ва Сағбон кўчалари мисли кўрилмаган даражада ўзгариб кетди. Жамоат транспорти қатнови йўлга қўйилган ушбу кўчаларнинг икки томонида кўплаб турар жой бинолари қад кўтарди. «Ўзжамғармабанк» буюртмаси билан қурилган бу уйларда бугунги кунда бахтиёр оилалар истиқомат қилишмоқда.

Яқинда ушбу ҳудуднинг Абдураҳмонов ва Қорасарой кўчалари кесишган жойда яна бир тўққиз қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди.

— Бу бино Мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига биз қурувчиларнинг совғамиз бўлади, — дейишмоқда унинг бунёдкорлари.

*Дилноза ЁҚУБОВА.*

## ДИЁРАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Вашингтонда «Болалар санъати — 2000» деб номланган улкан фестиваль бўлиб ўтди. Унда халқаро фестиваль миллий босқичининг олий соврини — «Гран при» соҳиби бўлган юртдошимиз Диёра Ҳасанова иштирок этди.

Гап шундаки, саккиз ёшга қадам қўйган, Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг тарбияланувчиси Диёранинг «Диснейленд» номли сурати танловга топширилган 700 дан ортиқ болалар асарлари ўртасида энг яхши деб топилди ва нуфузли хориж фестивалида қатнашиш учун йўлланма олди.

Аёллар йили муносабати билан мустақиллигимизнинг саккиз йиллигига бағишлаб Республика болалар бадиий ижодиёти марказида ўтказилган кўрик-танловга юқоридаги тадбирда намойиш этилган кўпгина ишлар ҳам қўйилди. Унда қатнашган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган марказ тарбияланувчилари ҳайкалтарошлик, рангтасвир, зардўзлик, миллий кийимлар тикиш бўйича ўз маҳоратларини кўрсатдилар.

Танловнинг энг иқтидорли саккиз нафар ғолибига «Наврўз» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими ва «Амир Темур» жамғармаси томонидан ажратилган диплом ва совғалар топширилди. Диёра Ҳасанова чизган «Малика» сурати ҳам махсус соврин билан тақдирланди.

*Шаҳзод НАЗАРОВ.*

# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ КОЛЛЕЖДА

***Ўқишга қаерга бориш керак, келажакда ризқ-насибани улуғ қиладиган касбни қаерда эгаллаш мумкин? Ўйлаймизки, шу кунларда 9-синфни тугатганлар ва уларнинг ота-оналари учун бундан кескинроқ савол бўлмаса керак? Кимлардир ҳозирданоқ мактабнинг ўзида ўқишни давом эттиришга аҳд қилиб қўйгандир. Лекин кўпчилик ўрта маълумот билан бирга бирон-бир касбни ҳам эгаллашни истайди. Демак, уларга энг тўғри йўл — коллежга бориш.***

***Бу йил янги ўқув юртлари — коллежлар ва академик лицейларни қуриш ва ташкил этиш дастурига кўра шаҳримизда кўплаб шундай объектлар очилади. 1 сентябрда қурилиш-коммунал коллежи ўқувчиларга ўз бағрини очади. Тўғрироғи, у Маннон Уйғур кўчасидаги янги, ҳамма қулайликларга эга бўлган ҳашаматли бинога кўчиб ўтади. Шу кунларда бу ерда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Лекин бинонинг ташқи кўринишигина янгиланиб қолмай, ўзгаришлар ўқув жараёнларини ҳам қамраб олади. Қурилиш-коммунал коллежи директори Аббос Аъзамович ХЎЖАЕВдан шулар ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

— Бизнинг коллежимиз янги тажриба ўқув юрти бўлиб, у техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида ва таълим-тарбиянинг энг янги ҳамда самарали усулларини ҳисобга олиб қурилмоқда ва ташкил этилмоқда, — дейди Аббос Аъзамович. — Бундан ташқари касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва ривожлантиришда Ғарбий Европа мамлакатлари ҳамда АҚШ тажрибаси эътиборга олинади. Ўқитиш уч йил давом этади. Шу вақт мобайнида 9-синфни тугатган ёшлар ўрта мактаб дастури бўйича билим олишни давом эттирибгина қолмай, турли касбларни ҳам эгаллайдилар. Бу йил 8 мутахассислик бўйича таълим амалга оширилади. Сиз, янги касб-ҳунар коллежи эски кўринишдаги ўрта-махсус ўқув юртларидан нималари билан фарқ қилади, деб сўрашингиз мумкин. Энг аввало шуниси биланки, бундай ўқув юртлари илгари фақат бир ёки икки йўналишда мутахассислар тайёрларди. Коллежлар эса эндиликда бирйўла бир неча мутахассисликни эгаллаш имконини беради. Шунингдек, бизнинг битирувчиларимиз илгариги техник ўрнига уста номини олиб, меҳнат бозорида анча қулай мавқега эга бўладилар. Чунки уларнинг қўлларида кўпчилиги танқис бўлган бир неча мутахассислик бўйича ҳужжатлар бўлади.

Асосан, бизда ўқитиш уч блок бўйича олиб борилади. Биринчиси — қурилиш блоки. Бу ерда қурилиш-пардозлаш ишлари бўйича усталар тайёрланади. Айни пайтда улар замонавий хом ашёлар қўлланиладиган энг сўнгги технологияларни ҳам эгаллайдилар. Иккинчи қурилиш йўналиши — умумқурилиш ишлари ҳисобланади. Бу ерда бинолар ва иншоотларда ғишт терувчи ва монтажчилик билан бир қаторда ўқувчиларимиз электр пайвандчи касбини ҳам эгаллайдилар. Ниҳоят, коллежимиз битирувчилари — қурилиш-дурадгорлик ва паркет ишлари бўйича усталар дурадгор, ёғоч устаси, паркетчи касбларини эгаллашади. Улар мебель ишлаб чиқаришида ҳам ишлай олишлари мумкин. Чунки бу ўқувчилар ёғочни қайта ишлаш бўйича замонавий ускуналарда ишлашни ҳам ўзлаштирадилар.

Кейинги йўналиш — коммунал блоки. Бу ерда сув таъминоти ва канализация тизимларини монтаж қилиш ва таъмирлаш бўйича усталар тайёрланади. Битирувчилар жуда қизиқарли касб-корлар мажмуи: сув таъминоти ва канализация бўйича усталар, газ электр пайвандчи, шунингдек «В» ва «С» тоифадаги ҳайдовчи касбларини эгаллайдилар. Бундай касб-кор эгаси шаҳардаги авария хизматларида жуда танқис ҳисобланади. Кейинги коммунал мутахассислик — газ билан таъминлаш тизимини монтаж қилиш ва таъмирлаш бўйича усталар. Бу ерда ҳам коллежимиз битирувчиси асосий касб билан бирга газ-электр пайвандчи ҳамда автомобиль ҳайдовчиси касбларини эгаллайди. Ўйлайманки, йигитларимиз учун бу касблар жуда мафтункор бўлиши керак.

Шунингдек, коммунал блок доирасида биз турар жой ва жамоат биноларини таъмирлаш усталарини ҳам тайёрлаймиз. Булар уйлар ва биноларни инвентаризациялаш, кўчмас мулк кадастри бўйича инспекторлардир. Дарвоқе, сўнгги касб бизнинг коммунал хўжалигимизда янги касб бўлиб, катта истиқболга эга. Бу ерда электрон-ҳисоблаш машиналари операторлигига ҳам ўқитилади. Коллежимиз битирувчилари техник инвентаризация бюролари ва кадарстр хизматларида ишлашлари мумкин. Умуман олганда ҳам, компьютерларни билиш битирувчиларимизга касб танлашда ўзларини дадил тутиш имконини беради.

Юқорида таъкидлаб ўтганимдек, кўпчилик касб-корлар энг аввало йигитларимиз эътиборини тортади. Лекин биз қизларимизни ҳам эсдан чиқарганимиз йўқ. Ўйлаймизки, бинолар интерьерлари ва ускуналар меъморлари биринчи навбатда қизларимизни қизиқтиради. Бу янги касб жуда қизиқарли. Чунки ишлаб чиқаришдами, идорадами, ҳатто уйлардами интерьерларни ташкил этишга ҳозир катта эътибор берилялти. Муассасадаги иқлим, ишчилар кайфияти ва ҳатто инсоннинг маънавий ҳолати ана шу безакларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Интерьерлар ва ускуналар меъморчилиги ўз ичига қуйидаги касбларни олади — интерьерлар, кўргазмалар ва кичик меъморчилик шакллари, реклама ва кўргазмали ташвиқот лойиҳачилари. Бу касбни танлашни ихтиёр қилганлар ўртасида расм чизиш бўйича ижодий танлов ўтказишни режалаштирганмиз. Шуниси диққатга сазоворки, бу соҳа бўйича мутахассисларни биророрта ўрта махсус ўқув юрти тайёрламаган.

Ниҳоят, бизнинг иқтисодий блокимиз: бунга биз тижорат иши ва менежмент йўналишларини киритдик. Бу ерда биз таъминот ва сотиш бўйича тижорат агентлари, шунингдек кичик менежерлар, идора ва ишлаб чиқариш менежерларини тайёрлаймиз. Ўқитувчиларимизнинг юксак малакали кишилардан иборат эканлигини таъкидлаб ўтишни истардим. Уларнинг 67 фоизи олий тоифага эга. Бу ўрта махсус ўқув юрти учун анча ноёб кўрсаткичдир. Бунинг устига биз хорижий ҳамкасбларимиз билан кенг алоқалар ўрнатишни режалаштиряпмиз. Бизда Шотландиянинг бир неча коллежлари билан дастлабки шартномаларимиз бор. Уларда талабаларни ўзаро алмашиш эҳтимоли ҳам кўзда тутилган.

Коллежда олинган билимлар олий ўқув юртларига имтиёзли асосларда кириш имконини беради. Мабодо, битирувчида бундай хоҳиш бўлмаса ёки у зарур баллни тўплай олмаган тақдирда у ишлаб чиқаришда хурсандчилик билан кутиб олинади. Бу бизнинг биронта ҳам битирувчимиз ишсиз, машғулотсиз қолмайди деган гапдир.

Коллежни жиҳозлаш масаласига келсак, илгари таъкидлаб ўтганимдек, у энг юксак замонавий талабларга жавоб берадиган бўлади ва Ғарбий Европа андозаларига мос келади. Бизга ускуналар етказиб беришга аҳд қилган Осиё таъмирлаш ва тараққиёт банки ҳамда Япония таълим маркази билан ҳамкорлик орқали бу режаларимизнинг амалга ошиши кафолатланган. Бундан ташқари коллежда ижтимоий-маданий марказлар бўлиши кўзда тутилган. Масалан, бизда теннис кортлари, футбол майдони, сузиш ҳавзаси, ажойиб парк, ошхона-қаҳвахонани ўз ичига олган ёзлик ва қишлик спорт иншоотлари мавжуд бўлади. Коллежимизнинг учинчи қаватида эса катта қишлик боғ жойлашади. Ўқувчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари ҳам ўйлаб қўйилган. Дискотека хоналари бор. Бизда шунингдек хоҳиши бўлганлар хорижий тилни чуқур ўрганишлари, мусиқа, тикувчилик ишлари билан шуғулланишлари мумкин. Эҳтимол, ўзимизнинг кичик ишлаб чиқаришимизни ташкил этармиз. Унда ўқувчилар бўш вақтларида меҳнат қилиб, табиийки, пул ҳам ишлаб оладилар.

Ушбу ажойиб ўқув юртида ўқишни истаганларга бироз шошилишларини таклиф этардик. Қабул комиссияси Навоий кўчасидаги 38-уйда жойлашган. Бу ерда саралаш танловларида қатнашиш учун ҳужжатлар топшириш мумкин. Бироқ, қабул чекланган. Шунинг учун ҳам коллежимиз ўқувчилари қаторига кириб, 1 сентябрь куни унинг тантанали очилишида иштирок этганлар — энг омадли ёшлар бўлади. Уй тўйимиз ўз вақтида бўлиши учун эса «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг 159-қурилиш трести бунёдкорлари шу кунларда қизғин меҳнат қилмоқдалар.

*Раъно ТЕМИРОВА ёзиб олди.*

*Хушёрликка даъват*

***«Зангори экран» орқали намойиш этилган «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильми ҳамшаҳарларимиз дилидаги қаҳр-ғазабни юзага чиқариб, ҳамиша хушёрликка даъват этаётганини таҳририятимизга келаётган мактублардан ҳам сезиш мумкин. Улар ўз дил изоҳорларида фильмда акс этган ҳар бир жиноятчи - Ватан хоинлари қаттиқ қораланиши билан бирга, ёш йигит-қизларимизнинг ана шундай жиркант кимсаларга алданмаслиги, уларнинг таъсирига тушиб қолмаслиги учун барчамиз огоҳ ва масъул эканлигимиз ҳақида куюниб ёзмоқдалар:***

## БУ БИЗГА САБОҚ БЎЛДИ

**● Малика ҒОЗИЕВА, Миробод туманидаги 214-мактаб директори:**

— Фильмни томоша қилар эканман, қалбим қаттиқ ларзага келди. Бутун нафратим ўша Ватан хоинларига қаратилди. Айни пайтда мамлакатимиз мустақиллигининг ўзи бир олий неъмат-ку. Уни асрамоқ, мустаҳкамламоқ ҳар бир юртсевар инсоннинг муқаддас бурчи саналади. Ўзи туғилиб ўсган она тупроққа хиёнат қилганлар, ўз жигаргўшаларини қонга белаганлар жазосини олмоқда. Лекин бу ҳам кам деб ўйлайман. Энг олий жазо эса халқнинг нафрати.

Шу ўринда педагог сифатида яна бир нарсани очиқ таъкидлашим шарт. Болаларимизнинг бўш вақтини тўғри ташкил этишга жуда катта аҳамият беришимиз зарур. Бола тарбиясида ўта хушёрлик керак, деб ўйлайман. Бу борада мактаб, маҳалла ва оила, яъни ота-онанинг ҳамкорликда иш тутиши жуда муҳимдир. Лекин, афсуски ҳалиям боласи қайси мактабда, қайси синфда ўқишини билмайдиган, йиллаб ота-оналар мажлисига келмайдиган кимсалар орамизда учраб туради. Ана шу лоқайдлигимиз келгусида ўзимизга панд бериб қўйишини 16 февраль воқеалари аниқ тасдиқлади. Шу боис ҳам ёш авлоднинг таълим-тарбиячилари бўлган биз педагоглар ота-оналар билан ҳамкорликда фарзандларимизнинг маънавий камолотига асосий эътиборни қаратмоғимиз лозим. Она Ватанга садоқатли, мустақил юртимиз равнақи йўлида фидойи йигит-қизларга билим ва тарбия бериш, Ўзбекистонимизни жаҳонга танитишга муносиб улуш қўшиш, албатта муҳим вазифаларимиздандир.

## ВАТАНГАДОЛИК — ОЛИЙ ЖАЗО

**● Саъдулла ТОШЕВ, қурувчилар бригадаси бошлиғи:**

— Телевизорда «Февраль воқеалари» ҳужжатли фильмини томоша қилар эканман, вайрон бўлган бинолар, бевақт қурбон бўлган ҳамюртларимизни кўриб, ўз юртини шундай аҳволга солган сотқин кимсаларга нисбатан нафратим жўш урди. Яшириб нима қилдим, бисотимдаги энг ёмон сўзлар билан уларни ҳақоратладим. Фақат номард, ноинсоф, виждони йўқ кимсаларгина туғилган жойига, қон-қардошларига хиёнат қилади.

10 йилдан буён қурувчилик касбида ишлайман. Бу касбнинг қанчалик машаққатли эканлигини жуда яхши биламан. Айниқса, Мустақиллигимиз шарофати билан яшнаётган ва яшараётган пойтахтимизда бунёд этилаётган муҳташам иморатлар, оилаларга бахт бағишлаётган замонавий турар жой бинолари қурувчи ва меъморларнинг баракали меҳнатлари эвазига қурилаётганидан кўнглим фахрга тўлади. Чунки юртимизнинг равнақига озми-кўпми ҳисса қўшаяпмиз.

16 февраль воқеаларини ташкил этган жаллодлар эса ана шундай биноларимизга зарар етказдилар. Улар бу ишлари билан фақат ўзларига нафрат, ғазаб олдилар, холос. Ғаламислик билан халқ ишончини қозониб бўлмаслигини бўлиб ўтган воқеалар яна бир бор тасдиқлади. Тўғри, улар биноларни вайрон этишди, лекин доно Йўлбошчимиз раҳбарлигидаги халқ дилини ҳеч қачон вайрон қила олмайди.

Бугунги кунда бинолар тикланди, бошпанасиз қолганларга замонавий уйлар қуриб берилди, азалий қадриятларимиз - одамлар бирбирига меҳр-оқибат кўрсатди. Аммо сотқинлик, хиёнат, ёмонлик ҳеч қачон унутилмайди. Ҳали ўзлари пойдеворга бир ғишт қўймасдан, четдан туриб юртимизга эгалик қилмоқчи бўлганлар ҳам, албатта, тавбасига таяниб, ўз жазосини олишига аминман. Ватангадоликнинг ўзи улар учун энг олий жазо эмасми?!

*Аҳдлашиш, битим, келишув, мажбурият, ваъда, лафз каби тушунчалар ҳам инсонийлик хислатларидандир. Аҳдни аждодларимиз ниҳоятда ардоқлашган, аҳд-паймонга содиқ бўлганлар, уни бузиш, аҳдидан қайтиш номардлик саналган. Аҳдга, ваъдага вафо қилишнинг фазилати катта, айни вақтда унинг соҳибининг обрў-эътиборини орттиради.*

Мозий

# «АВЕСТО»ДА АҲД-ПАЙМОН ТАЛҚИНИ

Аҳдида мард, ростгўй, бағри кенг, кўнгли очиқ, дили пок кишилар турадилар. Аҳдида турувчиларнинг виждони бутун бўлиб, ноҳақликларга мурosaсиз бўладилар. Бундай кишилар аҳдини қасамёддек муқаддас биладилар. «Аҳдга вафо — жонга даво» деб халқимиз нақлида бекорга айтилмаган. Аҳдидорлар учун унинг катта-кичиклиги бўлмайди. «Аҳд, — деганди алломалардан бири, — фақат унга риоя қилиш учун эмас, балки кундалик иш ва фаолият учун ҳам зарурдир». Дарҳақиқат, худди шундай, аҳдни, ваъдани бажаришликни ярим-ёртиси бўлмайди. У тўлалигича ўзлигини намоён этади, бутбутунлигида ўзининг асл моҳиятини кўрсатади. Аҳдига вафо қилувчилар юксак қалб эгаларидир. Ваъдага вафо қилмоқ хислати авлоддан-авлодга эъзозланиб, қадрланиб келинмоқда, шарқ донишмандларидан бири бу борада шундай деб ёзганди.

*Вафо йўлида гар собитқадам сан,*
*Ки ҳеч вақт кўрмагайсан*
*ранжу ғам сан.*

*Будур пандим сенга, зинҳор-зинҳор,*
*На аҳд этсанг, вафосин*
*қилгил изҳор.*

Ҳа, ваъдага вафонинг натижаси хайрли, оқибати шарофатлидир. Аҳдида турганларни нафақат эл олдида юзи ёруғ, балки ўзларининг етук инсон эканлигини билдирадиган омил ҳамдир. Ушбу инсоний фазилат «Авесто»да маромига етказиб мадҳ этилган. Аҳд-паймон ҳақидаги «Авесто» ҳикматларининг мағзини чақар экансиз, сиз шундай ҳолатларга тушасизки, беихтиёр ёқа ушлайсиз. Ҳеч ҳам хаёлингизга келмаган жараёнларга дуч келасиз, юритаётган «аҳд»нинг ҳам ўлчови бор экан. Одамлар ўртасидаги «аҳдлашиш», «битим», «келишув», «мажбурият», «лафз», «ваъда»ларнинг ҳам ўрни бор экан, мана «Авесто»га эътибор беринг:

*Йигирма каррадир аҳд иккита дўст,*
*Иккита вафоли ёр ўртасида.*
*Ўттиз каррадир у фуқароларaро,*
*Маҳрамлар орасида қирқ каррадир аҳд.*
*Эр ва завжа аро эллик каррадир,*
*Олтмиш каррадир у шогирдлараро.*
*Пир ва мурид аро етмиш каррадир,*
*Қайнота ва куёв ўртасида аҳд*
*Саксон каррадир,*
*Тўқсон каррадир, у оғалар аро,*
*Ота-ўғил аро юз каррадир аҳд,*
*Иккита эл аро минг каррадир у*
*Ва минг-минг каррадир*
*Моздага Иймон:*
*Ортидан келадир қудрат кунлари,*
*Келадир Ғолиблик замоналари.*

Ҳа, аҳдга вафоликнинг ортидан нурли кунлар, зафарли дамлар келади, соҳибига фақат эзгуликлар олиб келади.

Чуқуррoқ ўйлаб кўрилса, ҳикматлар обидаси ҳақ бўлиб чиқаверади. Чунки ҳамманинг у ёки бу кишилар олдидаги бурчлари бир хил эмас. Демак одамларнинг одамлар олдидаги ҳақлари ҳам ҳар хилдир. Мана, кўрдингиз «Авесто» бу муаммони аниқ ва тўкис ечибди. Бориб-бориб «аҳд»нинг қиймати илоҳий Маздага етганда «минг-минг» карралардан ошиб, беҳисоб даражага кўтариляпти. Дарҳақиқат, илоҳ олдидаги одамларнинг мажбурияти, бурчи, чексиз беададдир. Чунки Тангрининг бандаларига қилган инъомлари беҳисобдир. Қайси томондин олиб қараманг «Авесто» ҳикматлари ибратли мазмунли бўлиб чиқаверади. Аҳдни бузганлар, сўзида турмайдиганлар «Авесто»да лаънатланган. Илоҳий китобда эътиқоди сусайганлар, диний амалга бефарқлар, аҳдини бузганлар қаторига қўшилган. Аҳдида турмаганларни бебурдлар қаторига қўшган. Сўзининг устидан чиқмовчилар номард саналиб, хиёнатчилар қаторига қўшилган. «Авесто»даги тартиб-қоидага мувофиқ қаттиқ жазоланган.

*Ҳокимона даҳшат солар,*
*Ҳокимона қутқу солар.*
*Аҳд-вафосиз ва субутсиз*
*Кимсаларнинг каллаларин*
*Узадир ва улоқтирар.*
*Ўз қавмига хиёнаткор*
*Нокасларнинг каллаларин*
*Узиб улоқтирар Митра*
(Қуёш маъбуди)

Аҳдида турмовчилар, ваъдасидан қайтган вафосизларнинг қисмати аянчли бўлиб, аёвсиз жазоланган, чунки улар хиёнатчилар ҳисобланган. Хиёнатчилар, нокаслар кечирилмаган, муносиб жазосини олган. Аҳдга вафо «Авесто»да бажарилиши шарт, мажбур қилиб қўйилган. Жамият олдидаги катта мажбурият ҳисобланган, у қонуний осмонга кўтарилган, ниҳоятда катта эътибор бериб, ҳатто илоҳийлаштирилган.

*Ўз аҳдини бузган кимсалар,*
*Ўз сўзида турмаган каслар.*
*Ҳукм куни (охиратда)*
*сонсиз-саноқсиз*
*Улоққанча ётарлар афгор.*

Аҳдини бузганлар «кимсалар» сўзида турмаганлар «каслар» қаторига қўшилиб, улардан жирканганлар. Бундай кимсаларни одам қаторига қўшмаганлар. Кўриниб турибдики, тартиб-интизом жуда қаттиқ бўлган. Бундай бебурдлар охиратда ҳам ўз улушини олишлиги қайд этиляпти. «Авесто»да аҳдида турмовчилар, сўзининг устидан чиқмовчилар устидан қаттиқ назорат ўрнатилган. Бу ҳам интизомнинг йўлга қўйилганлигидан гувоҳлик беради. Тартиб-интизом ҳамма зафарлар гарови, муваффақиятларнинг асосидир. Шунинг учун аждодларимиз мазкур ҳаётий масалага катта жавобгарлик билан қараганлар.

*Унинг (Митра) маҳрамлари*
*саккиз нафардир,*
*Қўноқ тиккандирлар*
*юксакликларга.*
*Кузатадур улар тегра атрофни,*
*Кузатадир барча ерда, ҳар қачон*
*Ўз қавмига қарши борган касларни,*
*Хиёнат қилганни ўз каломига.*
*Улар кузатадир бу хил жонларни,*
*Улар танигайдир бу хил касларни.*
*Қачонки бу жонлар бирламчи бўлиб*
*Хиёнат қилганни ўз каломига,*
*Ким бу субутсизлар каззоблар боис*
*Тавфиқли зотларга етадир озор.*

Ҳа, ўтмишдошларимиз ўз каломига хиёнат қилиб аҳдини бузганларга муносиб баҳосини берганлар. Мазкур салбий ҳолатнинг кони зарарлигини тўла англаб етганлар, ундан қутилиш йўлини излаганлар. Бунинг устига ана шу нокасларнинг касрига қолиб «тавфиқли зотларга берадир озор» деб зорланади. Халқ нақлида зикр қилинганидек «бирники мингга, мингники туманга» ёйилиши мумкин. Шунинг учун иллатларнинг олди олинса, касаллик кучаймайди, уни даволаш осон кечади. «Авесто» инсонларга салбий иллатлардан қутилиш йўлларини кўрсатиб, яна бир савобли ишларнинг бошида турган, бундан кейин ҳам ноҳақликлардан халос бўлишнинг воситаси бўлиб қолаверади. Аҳдини, битимини бузган мамлакатлар ҳам «Авесто»да қоралланган. Келишмовчиликлар, уруш-жанжал, давлатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар танқид остига олинган, урушга сабабчи бўлганлар илоҳнинг қаҳрига учраши қайд этилган. Мана, эътибор беринг, аҳдини бузувчилар «Авесто» томонидан муносиб баҳосини олганлигига бир кичкина мисол:

*Қай он Митра интиладир,*
*Ул ёвлашган мамлакатлар,*
*қўшинининг,*
*Тиғиз-тиғиз сипоҳлари*
*сафлари томон*
*Ўз қавмига хиёнаткор*
*одамларнинг у*
*Орт ёғидан тутадир қўлин,*
*Кўзларини тўсадир ҳам кар.*
*Айлагайдир қулоқларини.*
*Оёқлари тута олмас шунда уларни,*
*Ҳамла қилмоқ учун қолмас зарра*
*силласи.*
*Ўз сўзига золим бўлган*
*одамлар билан,*
*Ўз аҳдига хоин бўлган улуслар билан*
*Кенг яйловлар ва ўтлоқлар*
*молики Митра,*
*Ҳисоблашар худди шу зайл.*
*Сиғинаман бахт, шодлик ҳаққи...*

Шундай қилиб, аҳд, вафо, ўз сўзида туришлик одамзотга доимо эзгуликлар олиб келган. «Авесто»даги аҳд-вафо ҳақидаги дурдоналар инсониятга беминнат хизмат қилаверади.

*Мусоқул УСМОНОВ, профессор.*

Ўзбекистон ва жаҳон

# МАМЛАКАТИМИЗ ЖОЗИБАСИ ЎЗИГА ТОРТМОҚДА

*Туризм катта даромад келтиришини ҳеч ким инкор этмаса керак. Шундай бўлса-да, бир нечта рақамларга эътиборингизни тортмоқчимиз: Испания туризмдан йилига 60 миллиард, Италия — 35 миллиард, Миср — 17 миллиард, Польша — 9 миллиард доллар даромад олади.*

Мулоҳаза учун яна бир мисол: ЮНЕСКО томонидан тузилган дунёдаги энг қизиқарли туристик объектлар рўйхатида Ўзбекистондаги 21 та объект кўрсатилгани ҳолда, Россиядан фақатгина 9 та обида санаб ўтилган.

Шунингдек, мамлакатимиз об-ҳавоси йил давомида туристларни қабул қилиш учун қулай эканини ҳам алоҳида ҳисобга олиш жоиз.

Жорий йилнинг баҳорида мамлакатимиз раҳбарияти Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасида бир қатор ҳужжатларни қабул қилди. Бу ишга «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси ҳам ўз ҳиссасини қўшди. Хорижлик сайёҳлар учун энг аввало нима зарур? Замон талабларига жавоб берувчи хизмат. У қаердан бошланади? Танланган мамлакатга парвоздан.

Биз Ўзбекистон фуқаро авиацияси чет эллик туристларнинг барча талабларига жавоб бера олиши, яъни ҳаво кемаларимизнинг замонавийлиги ва қулайлиги, саҳндаги ва асосий ҳаво портларидаги хизмат кўрсатиш даражаси юқорилиги билан фахрлансак арзийди.

Яқинда МАК бош директори Арслон Рўзметов ташаббуси билан Франкфуртда германиялик ва австриялик туроператорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув бўлди. Бу тадбирни «O'zbekiston havo yo'llari» миллий авиакомпанияси «UZE Reservice Gmber» фирмаси ва Германиянинг «Condor» авиакомпанияси билан ҳамкорликда ўтказди.



Тақдимот маросимига таклиф этилган мутахассислар кеча давомида Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойлари билан нафақат халқ амалий санъат усталари маҳсулоти, кўргазмалар, реклама маҳсулотлари орқали, балки Шуҳрат Қўзиев раҳбарлигидаги «Взлёт» дастаси, Ўзбекистон халқ артисти Рушана Султонова ва «Баҳор» рақс ансамбли раққосаси Эльмира Гадойбоева рақслари, Ирина Шарипова раҳбарлигидаги «Ўзбекистон мода» жамоаси аъзолари бўлмиш бухоролик қизлар намойиш этган миллий либослар орқали ҳам танишдилар.

— Мен O'zbekiston havo yo'llari» имкониятларини юқори баҳолайман, — деди тадбирда иштирок этган Франкфурт аэропорти раҳбарларидан бири Вернер Нитерс. — Раҳбарларингиз ва мутахассисларингизнинг мақсадга интилишлари ва ишчанлиги таҳсинга сазовор. Мамлакатингиздаги барқарор вазият, ажойиб табиат, бой архитектура ёдгорликлари сайёҳлар сонини оширишга хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида МАК ва бизнинг аэропортимизга фойдалидир.

— Дарҳақиқат, бизнинг мамлакатимиз Ғарбий европалик сайёҳларга жуда кўп қизиқарли йўналишларни таклиф этиши мумкин, — деб ўз фикри билан ўртоқлашди Германияда фаолият кўрсатаётган «Ўзбекистон — Европа тур» фирмаси бошлиғи Умид Рўзметов. — Ҳозир фирмамиз сайёҳларга Ўзбекистон бўйлаб 12 йўналишни таклиф этмоқда: бу ерда тарихий ва меъморчилик ёдгорликлари ҳамда бетакрор тарбиатимиз билан танишиш имкониятлари яратилган. Мамлакатимизга қизиқиш тобора ўсиб бораётганини кўриш жуда қувончлидир.

Шуни ҳам қайд этиш ўринлики, бундай тадбирга таклиф этилганлар кўпинча ҳурмат юзасидан маълум вақт маросимда иштирок этгач, зални тарк этишади. Франкфуртда эса тақдимот маросимининг тугагани расман эълон қилингандан сўнг яна бир ярим-икки соат давомида немис ва австриялик мутахассислар тарқалмай, ўзбекистонликлар билан мулоқотни давом эттирдилар. Бу эса мамлакатимизга қизиқиш сунъий эмаслигидан ва тадбир ташкилотчилари зиммаларидаги вазифани жуда яхши уддалаганликларидан далолат беради.

*Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ.*
*Франкфурт—Тошкент.*

*СУРАТДа: тақдимот маросимидан лавҳа.*

*Равиль Яруллин олган сурат.*

Нихол

# ОЛМАХОННИНГ ДЎСТЛАРИ

(эртак)

Бир бор экан, бир йўқ экан. Бир шўх олмахонча бор экан. Олмахонча ҳар куни ойиси билан ёнғоқ териш учун кўчага чиқаркан. Ойиси катта сават кўтариб олиб, тез-тез юраркан. Олмахонча ҳам кичкина саватчасини қўлига қистириб олиб, ойисининг орқасидан югураркан. Унинг дўстлари жуда кўп экан. Кийикнинг боласи, қуённинг боласи, сичқоннинг боласи... Хуллас, олмахонча ўрмондаги ҳамма ҳайвонларнинг болалари билан дўст экан. Ҳар сафар олмахонча ёнғоқ териб қайтаётганида чумчуқча у билан гаплашишга келаркан. Улар сув бўйига келишиб, бирга суҳбат қуришаркан. Бир куни олмахонча ҳар галгидай сув бўйига келибди. Атрофни кузатибди, аммо чумчуқчани кўрмабди. У чумчуқчани қанча чақирса ҳам биронта жавоб эшитмабди. Янги кесилган дарахтнинг тўнкасига ўтириб, чумчуқчани узоқ кутибди. Анчадан кейин чумчуқча учиб келибди. Дарахт шохига қўниб ўзининг нега кечикканини айтибди. У иккита янги дўст топган экан. Улар билан узоқ суҳбатлашибди, шунинг учун кечикибди. Чумчуқча янги дўстлар орттирганидан хурсанд экан. Унинг хурсандлигини кўриб, олмахонча ҳам севинибди. Улар бир-бирларига омад тилаб хайрлашибдилар.

Олмахонча ўзига ўзи дебди: «Чумчуқчанинг дўстлари жуда кўп. Менинг қанча дўстим бор?». Уларни санамоқчи бўлибди. Қанча ҳаракат қилса ҳам дўстларини санай олмабди. Эртасига эрталаб ҳар галгидай ойиси билан ёнғоқ теришга чиқибди. У нечта дўсти борлигини билмоқчи бўлибди. Ўзига-ўзи дебди: — «Ёнғоқ териб бўлгач, қайтаётганда ҳамма дўстларимга биттадан ёнғоқ бериб чиқаман. Кейин уларнинг нечталигини билиб оламан». Она-бола ёнғоқ териб уйга қайтишаётганларида олмахонча йўлда кўринган ҳар бир дўстига биттадан ёнғоқ улашибди. Саватдаги ёнғоқлар ҳам тугабди. Энди у бир ерга ўтириб олиб, дўстларини санамоқчи бўлибди. Аммо қандай қилиб санайди? Ахир саватда нечта ёнғоқ борлигини билмас эди-ку! Юраги сиқилибди. Сув бўйига келиб ғамгин ҳолда ўтирибди. Дўстлари қанчалигини билишда ким унга ёрдам беpаркан. Аммо ҳеч ким унга ёрдам бермабди. У йиғлай бошлабди. Шу пайт: «Олмахонча, олмахонча! Нима бўлди? Нега йиғлаяпсан?» деган овоз эшитилибди. Бу ўзининг яқин дўсти чумчуқча экан.

Олмахонча дебди: — Дўстларимни санамоқчи бўлгандим, аммо санай олмадим.

— Ёнғоқлар биланми?

— «Ҳа» деган ишорани қилиб бошини қимирлатибди олмахон.

— Дўстларингни қанчалигини биласанми?

— Билмайман! — дебди олмахонча.

— Бир сават тўла ёнғоқча дўстинг бор. Дўстларинг жуда ҳам кўп.

Шу гапларни айтиб чумчуқча парвоз қилибди. Олмахоннинг юраги шодликка тўлибди.

*Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.*



Меҳр-мурувватли бўлайлик

# ЖАМҒАРМАНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ



*«Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими жуда кўплаб хайрли ишларни амалга оширмоқда. Улар жойларда бўлиб, кам таъминланган оилаларга қўлдан келганча мурувват кўрсатиш билан бир қаторда уларни тиббий текширувдан ўтказиб, тегишли маслаҳатлар бериб боришмоқда.*

Куни кеча Ҳамза туманидаги Ғулом Усмонов ва Аҳмад Яссавий маҳаллалари фаоллари ва шу ерда яшовчи кам таъминланган оилалар билан жамғарма ҳамда туман санитария-эпидемиология станциясининг мутасаддиларининг очиқ мулоқоти бўлиб ўтди. Унда асосий эътибор атроф-муҳит озодагарчилигига, болалар тарбиясига, шунингдек ёшларнинг нималар билан машғул бўлаётганидан бохабар бўлиб туришимиз кераклигига қаратилди.

— Маҳалламизда 720 хонадон бўлиб, унда 235 нафар аҳоли яшайди, — дейди Ғулом Усмонов маҳалласи оқсоқоли Шорустам Шоусмонов. — Яқинда улар сафига яна 4 та баланд қаватли уйлар ҳам қўшилди. Маҳалламизда аҳоли сони ортиб бораётганига қарамай биз каттаю кичикнинг ҳол-аҳволидан хабардор бўлиб туришга ҳаракат қилаяпмиз. Маҳаллада етти қўшни бир болага ота-она саналади, деган нақл асосида иш юритяпмиз. Демоқчиманки, эътиборли бўлсак, ҳамма ишлар жойида бўлади.

Бошқа сўзга чиққанлар ҳам жамғарманинг хайрли ишлари ва ёшларнинг ахлоқ-одоби ҳақида тўхталдилар.

Савол-жавоблар тугагач, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларга кир ювиш воситалари, кийим-кечаклар тарқатилди.

*Юлдуз ҒИЁСОВА,*
*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: Ғулом Усмонов ва Аҳмад Яссавий маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

Хотира

# БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИМ

*Қўлимизга етуклик аттестати ҳам тегди. Жонажон мактабимиз, не-не шўхликларимиз, ёшлигимизнинг ёрқин дамларининг гувоҳи бўлган билим даргоҳимиз билан хайрлашдик. Ўқитувчиларимиз бизга оқ йўл тиладилар. Лекин шунча йил бизга бутун меҳрларини, бор билимларини бахшида этганлари учун фарзандларидай бўлиб қолган ўқувчиларидан айрилиш уларга оғирлик қилмоқда.*

Синф раҳбаримнинг кўзларига назар ташлайман. Ҳар биримизга устозларча, оналарча меҳр билан тикилиб турардилар. Шу дамда кўнглим бузилиб кетди. Бошланғич синфни тугаллаганимизда илк ўқитувчимнинг бизга шундай нигоҳ билан термулиб турганлари ёдимга тушди. Кейинги пайтларда уларни эсласам, кўзимга ёш келади, хўрсинаман.

Мана, бир ойдирки, бизга бошланғич таълимни берган, ҳарф танишни ўргатган биринчи муаллимамиз, олий тоифали ўқитувчи — Марғуба опа Жўраева орамизда йўқлар. Оғир касаллик уларни сафимиздан олиб кетди. Марғуба опа бутун умрларини болаларга бағишлаган эдилар. Уларнинг бутун умримга етгулик берган сабоқлари, насиҳатлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб турибди. Улар бизга нафақат ўқиш ва ёзиш, балки инсонга хос бўлган улуғ фазилатлар эгаси бўлишимизни ўргатган эдилар. 1-синфлигимизда танаффус вақтида ҳеч биримиз ташқарига чиқмай, устозимиз атрофларига йиғилардик. Ҳаттоки, энг шўх, ўйинқароқ болалар ҳам биз — қизлар билан бирга ўқитувчимиз ўгитларига қулоқ тутишарди.

Марғуба опа бизга доимо катталарни ҳурмат қилишни, уларнинг айтганларини икки қилмасликни насиҳат қилардилар. Ўша насиҳатлар кейинчалик менга жуда асқотди. Марғуба опанинг тарбияларини олган кўплаб ёшлар ҳозирда бир яхши мансаб эгаси бўлиб, бири олим, бири шифокор, яна бири уларнинг изларидан кетиб, ўқитувчи бўлиб, халқимизга нафлари тегмоқда.

Илоҳим, илк устозимнинг охиратлари обод, жойлари жаннатда бўлсин!

*Азиза ИЛҲОМОВА, Тошкент шаҳридаги 302-лицей мактабининг битирувчиси.*

Биласизми?

# «ЭКСПО-2000» — ДУНЁ КЎРГАЗМАСИ

*Экспо бу ўз-ўзини намоён қиладиган жойдир. 2000 йилнинг 1 июнидан 31 октябригача Германия Федератив Республикасининг Ҳанновер шаҳрида «Инсон. Табиат. Техника» шиори остида ўтадиган дунё кўргазмасида 173 мамлакат ва 14 халқаро ташкилот экспонатлари билан қатнашишга розилик билдирдилар. Янги аср бошида классик усул ва ўз мамлакатини дунё кўргазмасида таништириш учун айни вақтда 50 миллат у ердаги Экспо майдонида ўз павильонини қурмоқда.*

Шу пайтгача дунё кўргазмаси ҳамма учун мўлжалланган катта кўргазма залида ўтказилар эди. Биринчи дунё кўргазмаси 1851 йилда Лондондаги Кристалл саройида, 1889 йилда эса Париждаги Махин саройида бўлиб ўтган.

Бу сафарги дунё кўргазмасида қатнашувчи мамлакатлар аллақачон Ҳанновер учун ўз режалари, эскизлари ва моделларини тақдим этган. Нидерландияликлар Экспо майдонининг шарқий қисмида аллақачон 40 метрлик бино, деҳқончилик майдонлари, ўрмон ва ҳаттоки денгиз билан ўралган орол қурилишига киришганлар.

Бирлашган Араб Амирликлари Саҳрофорт павильонида самолёт орқали саҳро қумини ва 60 пальма дарахтларини келтиради.

2000 йил 7 август миллатлар кунида эса Шайх Заид бин Султон ал-Наҳён томонидан Шварцвалдга келтириб қўйилган туялар карвони Ҳанновер шаҳрига кириб келади.

Япониянинг узунлиги 90 метр, кенглиги 42 метр келадиган кўпқаватли павильони фақатгина қоғозлардан ва қалинлиги 12,5 сантиметрли қаттиқ картонлардан қурилмоқда.

Хитой павильони эса Ҳанновердаги хитой-немис маркази, анъанавий хитой табобатига мосланган клиника, хитой ишбилармонлари ташрифи ва катта хитой ресторанидан иборат бўлади.

Хўш, мезбон саналмиш Германия бу дунё кўргазмасига нималар хозирламоқда? Аввалaмбор Экспо майдон марказидаги бино мезбоннинг самимий, очиқ кўнгиллилигини тасвирлайди. 130 метр узунликдаги шиша фасад, нозик дид билан ёғочлар ёрдамида бир-бирига боғланган металл конструкциялар — буларнинг ҳаммаси Бодензее яқинидаги фридрихсхафенлик инвестор ва архитектор Йозеф Вунд томонидан тавсия этилган. Бундан ташқари, дунё кўргазмасини кўргани келувчиларни кўплаб қизиқарли нарсалар кутмоқда. Ирландия, Австрия, Финляндия, Марказий Америка давлатлари ва бошқа мамлакатлар кўргазма учун ўз павильонларини қуришда давом этмоқдалар.

Ўз фантазия ва бунёдкорлик қобилиятларини ишга солиб, Ҳанновер шаҳрида «Инсон. Табиат. Техника» шиори остида бўлиб ўтадиган халқаро кўргазмада ўзларини дунёга янада яқинроқ таништириш учун қатнашувчи мамлакатлар ихтиёрида яна салкам бир йил вақт бор.

*Абдулла МАМАЖОНОВ.*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 84 (9.276) 1999 йил 21 июль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ:

## АФҒОНИСТОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

UNITED NATIONS
Tashkent Meeting of the Group «6+2» on Afghanistan




19 июль куни Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги учрашуви бошланди. Бу гуруҳга Афғонистон билан чегарадош олти давлат — Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда Ўзбекистон, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари ва Россия киради. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ташкил этилган мазкур анжуманни Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири А.Комилов очди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Афғонистондаги бугунги вазият айни вақтда нафақат мазкур мамлакатнинг, балки унга қўшни давлатларнинг, қолаверса бутун халқаро жамоатчиликнинг муаммосига айланган. Негаки, бугун бу тупроқда давом этаётган уруш балоси билан бирга, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси, диний экстремизм ва фанатизм, террорчилик хавфи минтақадаги барча давлатларга, бинобарин ялпи хавфсизликка жиддий таҳдид соляпти. «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувидан мақсад Афғонистонда кечаётган уруш сабабларини шунчаки ойдинлаштириш эмас. У мазкур можарони тинч йўл билан ҳал этиш чораларини топишга хизмат қилади.

*(ЎзА).*

*СУРАТДА: учрашув пайти.*

*Абдувоҳид Тўраев (ЎзА) олган сурат.*

(Давоми 2-бетда).

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқи

Муҳтарам делегация раҳбарлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Менга халқимиз, ҳукуматимиз ҳамда шахсан ўз номимдан сизларни — мазкур учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон диёрида самимий қутлаб, барчангизга юксак эҳтиромимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Биз бугун бу ерда юксак ва олижаноб мақсад — жафокаш Афғонистон заминида кўпдан бери кутилаётган тинчлик ўрнатиладиган кунни биргаликда яқинлаштириш учун тўпландик.

Тинчлик ва барқарорлик энг аввало, афғон халқининг орзуси. Чунки бу халқ йигирма йиллик уруш, азоб-уқубат ва муҳтожликни бошидан кечирмоқда. Бу халқ ўзининг бутун тарихи ва мислсиз бардоши билан чинакам ҳурмат ва ҳамдардлик уйғотади.

Фуқаролар уруши туфайли вужудга келган беқарор вазият аллақачон Афғонистон чегараларини ошиб ўтиб, минтақадан анча нарида ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Бугун Афғонистон ва унинг атрофида юз бераётган халқаро терроризм ва экстремизм муаммолари ҳам, наркотик моддаларни тарқатиш ва қурол-яроғ савдоси муаммолари ҳам, тобора таҳдидли тус олаётган Исломни радикаллаштириш жараёнлари ҳам жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмай қолмайди.

Бугунги кунда Афғонистонда юз бераётган воқеаларни кузатиб турган ҳар бир кишини бу мамлакат аҳолиси, уни вайронгарчилик ва муҳтожликка маҳкум этган, иқтисодиёт ва кишилар ҳаётини ўнлаб йиллар орқага улоқтириб ташлаган уруш ва қарама-қаршилик туфайли Ватанидан жудо бўлган барча миллат ва элат вакиллари тақдири ташвишга солмай қўймайди.

Баъзи давлатларнинг Афғонистондан жўғрофий узоқлик ўзларининг хавфсизлигига таъсир қилмайди деган умидлари асоссиз эканини вақт кўрсатди.

Муҳтарам анжуман иштирокчилари!

Афғонистонда кўп йил давом этган танглик сабабларини аниқлаш ушбу анжуман вазифасига кирмайди, десам, фикримга қўшилсангиз керак. Ҳозирги вақтда энг муҳими Афғонистондаги вазиятни қайта-қайта таҳлил этиб, бир-бирига қарши курашаётган томонларни яраштириш учун дастлабки қадам бўлиши мумкин бўлган ўша элас-элас кўринаётган келишув омилларини топишдан, янада аниқроқ айтганда — **қарама-қаршилик ва урушни бундан кейин ҳам давом эттириш бемаънилик эканлигини уларга кўрсатиб ва исботлаб беришдан иборатдир.**

Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини кўп асрлик тарихий муштараклик анъанавий равишда бир-бирига боғлаб туради. Шуни ҳам айтмоқчиманки, ўзбеклар ва афғонлар ўртасида ҳеч қачон ғанимлик бўлмаган — Амударё неча юз йиллар давомида бизни фақат бирлаштириб турган.

Ҳозир ҳам бизнинг энг эзгу ва энг катта истагимиз тинч, барқарор ва хавфсиз Афғонистонни кўришдир. Биз Қобулда **миллий тотувлик ва ички барқарорликни таъминлашга қодир бўлган, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ҳурмат қиладиган ва чегарадош мамлакатлар билан яхши қўшничилик муносабатларини таъминлашга кафолат берадиган** барча томонлар вакилларидан иборат нуфузли ва кучли ҳукуматни кўришни истаймиз.

Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш учун, биринчи навбатда Марказий Осиёни қўшни ҳудудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узоқ муддатга мўлжалланган лойиҳаларни амалга оширишга зарур шарт-шароит яратиш ишига чинакам омил бағишлаган бўлар эди.

Ўзбекистоннинг минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хусусан БМТ шафелигида «6+2» гуруҳини тузиш бўйича саъй-ҳаракатлари ва ташаббуслари ана шу ёндашувларга асосланган.

(Давоми 2-бетда).




Саноат

## МАҲСУЛОТ ТУРИ ОШМОҚДА

***Шаҳримизда кўплаб қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Улардан бири Ўзбекистон — Швейцария «Вольфсан Шарқ интерпрайзис» қўшма корхонасидир.***

Корхонада асосан маҳсулот ишлаб чиқариш дастгоҳлари тайёрланади. Уларнинг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Хусусан, буюмларни қадоқлаб, ўраб берадиган қурилмалар, кока-кола, фанта каби ичимликлар сақланадиган полиэтилен идишлар, турли хил озиқ-овқатлар учун махсус халтачалар шулар жумласидандир.

Корхона жамоаси Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш мақсадида янги маҳсулот турларини кўпайтириш, ғишт ва йўлкаларга ишлатиладиган плиталар тайёрлайдиган пресслар, шлакаблок дастгоҳлари, бетон қорадиган машина тайёрлашга киришди.

*Маҳмуд ОРИПОВ.*

Қурилиш

## БУНЁДКОРЛАР ҒАЙРАТИ

***Амир Темур шоҳкўчасининг «Қозоғистон» кинотеатри бекати яқинида яна бир тўққиз қаватли уй қад ростлади. Тўрт блокдан иборат бўлган бу бинони шаҳримиздаги 60-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари тиклашди.***

Юздан ортиқ оилага мўлжалланган бинонинг «А» блокида яқинда пардозлаш ишларини ниҳоясига етказган касб усталари бинонинг «Б» қисмида сайқаллаш ишларини олиб боришмоқда.

Бунёдкорлар янги турар жой биносининг қўлдан чиқарилган қисмини Мустақиллик байрами арафасида ўз эгаларига совға қилишга аҳд этишган.

*Дилноза ЁҚУБОВА.*

Таълим

## ЎҚУВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Ҳадемай ёзги таътил ҳам тугаб, болажонлар ўз қадрдон мактаблари қучоғига отланадилар. Улар Мустақиллик байрамининг 8 йиллигини янги шинам синфхоналарда кутиб оладилар.***

Яккасарой туманидаги 127-мактаб педагоглар жамоаси билим даргоҳини тез ва соз янги ўқув йилига тайёрлаб қўйишди. Бу борада Роза Рўзметова, Ражаббиби Сапоева, Ҳожинисо Қорабоева, Фотима Қамбарова сингари ўқитувчиларнинг хизматлари салмоқли бўлди.

Ҳозирда ўқувчиларни дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабда айни кунларда дарсликлар сотуви йўлга қўйилди. Ўқувчилар мактаб бозоридан ўзлари учун зарур дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини харид қилишмоқда.

*Фотима БОБОЕВА.*

## ДАВР САДОСИ

***Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар***

### МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви қатнашчиси — БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Лахдар Брахимини қабул қилди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Афғонистон бўйича Тошкент учрашувининг яна бир иштирокчиси — АҚШ делегацияси раҳбари, АҚШ Давлат котибининг ўринбосари Карл Индерфурсни қабул қилди.

◆ Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашуви қатнашчилари кўҳна Самарқандга ташриф буюрдилар.

◆ Вазирлар Маҳкамасида Республика Фавқулодда ҳодисалар комиссиясининг мажлиси бўлди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди.

◆ Андижонда Маънавият-маърифат республика кенгаши вилоят бўлими ташаббус гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

◆ Жиззах вилояти ғаллакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Вилоят тарихида илк бор она-Ватан хирмонига 246 минг 100 тонна дон армуғон этиб, шартнома режаси бажарилди.

◆ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъат мажлисида 1999 йилнинг биринчи ярмида истиқбол кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишлар чуқур таҳлил этилди ва йил якунига қаратилган қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

◆ Асакада «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси ишга тушганига уч йил тўлиши арафасида корхона ёшларининг дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

◆ Тошкент вилояти Бўка тумани деҳқонлари қабул пунктларига 25,3 минг тонна буғдой етказиб бериб, дон топшириш шартнома режасини бажардилар.

◆ Фарғона шаҳар спорт-техника мажмуида ёш автомоделчиларнинг республика мусобақаси бўлиб ўтди.

### ЖАҲОНДА

◆ **Бугун** Бельгия Қироллигининг Миллий байрами — Бельгиянинг биринчи қироли Леопольд тахтга ўтирган кун.

◆ Ставрополь ўлкасининг Чеченистон билан туташ маъмурий чегарасида навбатдаги келишмовчилик содир бўлди. Номаълум кишиларнинг тўсатдан бошлаган ҳужуми натижасида икки милиционер ва тўрт аёл ҳалок бўлди. Икки киши тан жароҳати олди.

◆ Немис олимлари СПИД касаллигини аниқлашнинг янги усулини ўйлаб топдилар. Бунинг учун кварц пьезокристалл пластинкасига бир томчи қон томизилади. Пластинканинг юзи юқоридаги касаллик вирусидан зарарланган оқсил билан қопланган. Агар қонда «Аср вабоси»нинг вируси бўлса, кварц юзига ўзгарувчан ток юборилганда унинг тебраниш тўлқинлари ўзгаради. Шундай натижани олиш учун ҳозирги замонавий аппаратлар ёрдамида текширувга бир неча соат вақт кетса, ушбу янги усулга бор-йўғи 10 дақиқа етарли.

◆ Москвада биринчи марта Москва пивоси фестивали ўтказилди.

◆ Сўнгги ҳафта давомида вирус касаллиги тарқалганлиги натижасида Ростов вилоятида олти киши ҳалок бўлди, 72 киши касалхоналарга ётқизилди. Ҳозирча касалликнинг келиб чиқиш сабаблари номаълумлигича қолмоқда.

◆ Ҳиндистон томони расмий равишда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги Кашмир бўйича олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилганлигини эълон қилди.

◆ Ўтган йил давомида Бразилияда 200 минг киши бедарак йўқолган.

◆ Молдовада бензин ва дизель ёнилғиси нархи оширилди.

◆ Грузия чегарачилари бортига 11 тоннадан ортиқ портлатувчи модда ортиб олган Голландия кемасини тўхтатдилар. Дастлабки маълумотларга қараганда бу «юк» Марказий Осиё мамлакатларидан бирига жўнатилаётган экан.

◆ Японияда 25 соат давомида бир йўла уч беморнинг жигарини қайта ўтказиш операцияси муваффақиятли якунланди.

◆ Ҳиндистондан олинган хабарларга кўра Уттар-Прадеш штатида йўловчи поезди юк поездига тўқнашиши натижасида издан чиқиб кетган. Шу туфайли саккиз киши ҳалок бўлди. Юз нафардан кўпроқ йўловчи жароҳатланди.

◆ Буюк Британиянинг «Файнешнл Таймс» газетаси Кремль саройини таъмирлаш тўғрисида ушбу хабарни маълум қилди. «Кремль Россиядаги энг катта Кремль саройининг дабдабали таъмири учун маблағни асло аямади. Икки йил ичида бунинг учун 335 миллион АҚШ доллари миқдорида харажат қилинди».

◆ Марокаш қироли Ҳасан II Париж сафарида француз журналистлари билан бўлиб ўтган учрашувда «тез орада» Жазоирнинг янги Президенти Абдулазиз Бутефлика билан кўришажагини маълум қилди.

◆ Кучли сув тошқинлари Токиодаги ҳаётни издан чиқарди. Япония пойтахтида транспорт ҳаракати тўхтаб қолди. Табиий офат қурбонлари хусусида аниқ маълумотлар келиб тушмаган.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессиясини чақириш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 1999 йил 19 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э.ХАЛИЛОВ.***

Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 июль.

* * *

Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 1999 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида ахборот.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилги асосий макроиқтисодиёт кўрсаткичлари ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида.
3. «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг лойиҳаси.
4. «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (иккинчи ўқиш).
5. «Гиёвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
6. «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси (янги таҳрири).
7. «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
8. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг лойиҳаси.
9. «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
10. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
11. «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
12. «Суд ижрочилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
13. «Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг лойиҳаси.
14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва унинг раҳбариятининг 1995-1999 йиллардаги фаолияти тўғрисида.
15. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тайинлаш тўғрисида.
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини тайинлаш тўғрисида.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлис ваколатига кирувчи бошқа масалаларни ҳам депутатлар муҳокамасига киритиш мўлжалланмоқда.

Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А.Қосимов бошчилигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## 1999 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯ, СТИПЕНДИЯ ВА ИЖТИМОИЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Кишиларнинг моддий фаровонлигини ошириш ҳамда республика аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида:

1. 1999 йил 1 августдан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсияларнинг, олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари ва ижтимоий нафақалар ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

2. 1999 йил 1 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

энг кам иш ҳақи — ойига 1750 сўм;

ёшга доир пенсия — ойига 3340 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 1750 сўм;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 3340 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ҳамда меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа — ойига 2025 сўм миқдорида белгилансин.

3. 1999 йил 1 августдан бошлаб барча турдаги пенсияларни ўрта ҳисобда 1,4 баравар ошириш уларни амалдаги қонунчиликка асосланиб қайта ҳисоблашни кўзда тутган ҳолда 1991 йил 1 январга қадар ҳамда кейинги йилларда тайинланган пенсиялар миқдорини тенглаштиришни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ва Молия вазирлиги ўн кун муддат ичида пенсияларни қайта ҳисоблаш тартибини ишлаб чиқиб тасдиқласинлар ҳамда барча турдаги пенсияларни оширишнинг муайян миқдорини белгиласинлар.

4. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшиладиган устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болалик оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган бошқа тўловлар 1999 йил 1 августдан бошлаб мазкур фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилот ва муассасалар мазкур фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг маошларини ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласинлар.

6. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика давлат бюджети ва пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

7. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий фондининг белгиланган миқдоридан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда меҳнат чиқимларини камайтириш ҳисобидан 1999 йил 1 августдан бошлаб иш ҳақи миқдорини мазкур фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига мувофиқ оширсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 25 ноябрдаги ПФ-2144 фармони 7-банди истисно қилинган ҳолда ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддат ичида мазкур фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.***

Тошкент шаҳри, 1999 йил 19 июль.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маошини ошириш тўғрисида

Олий таълим тизими профессор-ўқитувчилар таркибининг Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда кўзланган мақсадларни амалга оширишда тутган ўрни, уларнинг билимдон, касб жиҳатидан яхши тайёрланган, замонавий фикрлайдиган, ўзининг шахсий фикрига эга бўлган фуқароларни — Ўзбекистон ватанпарварларини тарбиялашдаги юксак масъулиятини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчилари меҳнатини янада рағбатлантириш мақсадида:

1. 1999 йил 1 сентябрдан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг маоши меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг разрядларига биноан бир разряд юқори кўтариш ҳисобига оширилиши белгилаб қўйилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Меҳнат вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишган ҳолда, 1999 йил 10 августга қадар бўлган муддатда профессор-ўқитувчилар таркибининг янги маошларини кўриб чиқсин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг ижроси билан боғлиқ бўлган харажатларга бюджет маблағлари ажратилишини кўзда тутсин.

4. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Б.Ҳамидов ва Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

***Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ***

Тошкент шаҳри, 1999 йил 20 июль.

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — МИНТАҚАМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ БОШ ОМИЛИ

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви очилиши маросимида сўзлаган нутқи

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Катта мамнуният билан таъкидламоқчиманки, бу гуруҳ қисқа вақт ичида Афғон муаммосини ҳал этиш йўлларини излашда биргаликда ҳаракат қилишда етарли тажриба тўплади.

Фақат бир фактнинг ўзи, яъни гуруҳдаги уч мамлакат — АҚШ, Россия ва Хитой — БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари шу минтақа мамлакатлари билан биргаликда «6+2» гуруҳи доирасида Афғонистон муаммосини тинч ҳал этиш йўлларини излашда фаол иштирок этаётгани — бу халқаро тажрибада жуда камдан-кам учрайдиган, айтишим мумкинки, мислсиз воқеадир.

Ўз-ўзидан равшанки, бу гуруҳни тузиш ва унинг ишини ташкил этишда, жумладан мазкур анжуманнинг бугунги мажлиси ўтказилишида БМТ ҳал қилувчи ўринда турибди.

Шу муносабат билан БМТнинг Афғонистон бўйича махсус миссияси аҳамиятини, шунингдек унинг раҳбари — БМТ Бош котибининг махсус вакили Лахдар Брахимининг афғон диёрида тезроқ тинчлик ўрнатилишига қаратилган самарали ишини алоҳида таъкидламоқчиман.

Бугунги учрашувимиз жаноб Лахдар Брахимининг БМТ шафелигида «6+2» гуруҳида иштирок этувчи мамлакатлар вакиллари билан биргаликда икки йил давомида олиб борган қизғин ишининг якунидир. Бу гуруҳнинг мақсади Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларининг умумий тамойиллари ва ягона ёндашувини ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманнинг кўп иштирокчилари фикримга қўшиладилар деб ўйлайман — Афғонистондаги бугунги вазиятни асосан Афғонистон жамиятининг таркибий қисмини ташкил этувчи икки куч — «Толибон» ҳаракати ҳамда унга қарши турган Аҳмад Шоҳ Маъсуд раҳбарлигидаги бирлашган гуруҳ шакллантирмоқда.

Ҳозирги вақтда Афғонистон можаросининг кўпгина иштирокчилари, шунингдек, уларнинг орқасида турган кучлар Афғонистон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслигини тушуниб етмоқда. Афғонистон можароси бошлангандан то бугунги кунгача бўлган даврдаги мисли кўрилмаган бу вазиятни тўғри баҳоламаслик мумкин эмас.

Афғонистон ичидаги кучлар ўртасидаги уруш ҳаракатларини тўхтатиш ва музокарани қайтадан бошлаш зарурлиги бир-бирига қарши курашаётган томонлар ўртасида музокаралар жараёнини бошлашга ана шу ноёб имкониятни тушуниб етиш ва англашни тақозо қилмоқда.

Айни ҳозирги вақтда вужудга келган вазият мазкур анжуманнинг барча иштирокчиларидан, бизнинг фикримизча, асосий вазифани — **музокаралар жараёнини бошлаш, бутун Афғонистон халқи, ундаги этник гуруҳлар манфаатларини кўзлаган ҳолда қарашларнинг ўхшаш нуқталарини, ўзаро мақбул бўладиган келишувларни излаш йўли билан музокаралар жараёнини шакллантириш бўйича ўзаро мақбул умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш вазифасини ҳал қилишда катта масъулиятни талаб қилмоқда.**

Бу ёндашувларни ишлаб чиқишда воқеалар тақозоси билан Афғонистон можаросига бошқаларга нисбатан кўпроқ жалб этилган икки мамлакат — Покистон ва Эроннинг қарашларининг яқинлиги алоҳида аҳамиятга эга бўлади, десам, фикримга қўшилсангиз керак.

Айни пайтда «Афғонистон қўшнилари ва дўстлари» гуруҳи фаолиятининг асосий тамойили мустақил давлат ички ишларига аралашмаслик, унинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш эканини таъкидлаш зарур. Кўп йиллар давомида Афғонистоннинг ички ишларига четдан аралашиш афғонларда табиий равишда воситачиларга ишончсизликни вужудга келтиргани эътиборга олинса, бу тамойил алоҳида аҳамият касб этади.

**Афғон халқи ва унинг раҳбарлари ўз мамлакатлари тараққиётнинг қайси йўлидан боришини ва тинч ҳаёт қандай ҳукумат бошчилигида тикланишини ўзлари мустақил равишда танлаб олишлари керак.**

Биз ҳозир йигирма йилдан ортиқ давом этаётган беҳуда хунрезлик ва вайронагарчилик даврида вужудга келган ҳамда илдиз отган жуда кўп эски муаммолар мавжуд бўлган узоқ ва мураккаб йўлнинг бошида турганимизни тушунамиз.

Назаримизда, Афғонистон жамиятининг тинч ҳаёт йўлига қайтиш жараёни **шошма-шошарликсиз,** босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Биз «6+2» гуруҳининг ташқи ишлар вазирлари ўринбосарлари даражасидаги бундай учрашувларни мунтазам равишда навбати билан гуруҳнинг бошқа мамлакатларида ўтказиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Навбатдаги учрашувни балки Ашгабадда ўтказиш мумкин бўлар. Ҳозирги учрашув чоғида Тошкент Декларациясини имзолашдан ташқари, барчамиз музокаралар жараёни механизмини ишлаб чиқиш тўғрисида ўйлаб кўришимиз лозим.

**Назаримизда, музокаралар механизмида аввалгидек БМТ Бош котибининг Афғонистондаги махсус вакили ва махсус миссияси асосий ўринда туриши керак. Олдига қўйилган янги вазифаларни ҳисобга олиб, уларнинг мандатлари ва ваколатларини қайта кўриб чиқиш ва кенгайтириш лозим бўлади.**

Шундай қилиб, «6+2» гуруҳи воситачилигида тинчлик жараёнини янада ривожлантириш ҳар бир янги босқичга Тошкент Декларацияси тамойилларига мувофиқ равишда аниқ натижалар билан чиқишимизга имкон берган бўлур эди.

Шу муносабат билан БМТ шафелигидаги «6+2» гуруҳи ёрдамида бундан кейинги тинчлик жараёни истиқболлари, назаримизда қандай бўлишини айтишга рухсат этгайсиз, бу тинчлик жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши мумкин:

**Биринчидан,** БМТ Бош котибининг махсус вакили воситачилигида бугун Афғонистонда бир-бирига қарши курашаётган **икки асосий куч** ўртасида ўт очишни тўхтатиш, ҳарбий асирларни айирбошлаш, Афғонистонга инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш учун йўлларни очиш ва ички тўсиқларни олиб ташлаш тўғрисида битимлар тузиш зарурий дастлабки босқич бўлади.

**Иккинчидан,** кейинги босқичда Афғонистоннинг давлат тузуми ва барча томонлар вакилларидан иборат ҳукумат тузишнинг асосий тамойиллари бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчидан,** Афғонистондаги можарони бартараф этиш, шу жумладан қочоқларни қайтариш, миналардан тозалаш, қуролсизланиш ва шу каби бошқа масалалар тўғрисида қарама-қарши томонлар ўртасида Умумий битимлар якунловчи мажмуини қабул қилиш.

Афғонистон томонлари рози бўлган тақдирда, уларнинг ўртасидаги Умумий битимлар «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатлар ташқи ишлар вазирлари иштирок этадиган учрашувда имзоланиши мумкин бўлур эди.

**Тўртинчидан,** Афғонистондаги ички тинчлик жараёни билан бир вақтда «6+2» гуруҳига аъзо мамлакатлар Афғонистонни урушдан кейинги тиклашга қаратилган **кенг кўламли инсонпарварлик ҳамда молиявий иқтисодий ёрдам** кўрсатиш бўйича халқаро дастур ишлаб чиқишлари мумкин. Шу муносабат билан биз Япония ҳукуматининг Токиода Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатиш хусусида халқаро конференция ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз.

**Бешинчидан,** воқеалар ана шу тарзда ривожланиб борса, якунловчи босқичда БМТ Бош Ассамблеясининг Афғонистон бўйича махсус сессиясини ўтказиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мумкин бўлур эди. Бундай сессиянинг ўтказилиши мазкур мамлакатда тинчлик ўрнатиш бўйича якунловчи битимлар халқаро ҳамжамият томонидан сиёсий жиҳатдан эътироф этилганининг рамзи бўлур эди.

Бундай сессияни чақириш Бош Ассамблеянинг 1980 йилдаги олтинчи фавқулодда махсус сессиясида қабул қилинган, хусусан **«Афғонистон халқига ташқаридан ҳеч қандай аралашувсиз, кўпорувчилик фаолиятисиз, мажбур қилмасдан ёки тазйиқ ўтказмасдан ўз бошқарув шаклини белгилашга, ўз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тизимини танлаб олишга имкон бериш»**га даъват этувчи резолюциясининг мазмунига тўла-тўкис мос келур эди.

Ушбу анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилган **«Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»**ги Тошкент декларацияси лойиҳаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотида узоқ вақт тер тўкиб қилинган ишнинг натижасидир, **у «6+2» гуруҳига бирлашган деярли барча «Афғонистон қўшнилари ва дўстлари»нинг позициясини ифодалайди.**

Бу ҳужжатни ва унда кўзда тутилган узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган дастурни маъқуллаш ва қабул қилиш Афғонистонда тинчликка эришиш бўйича музокара жараёнига ишончли ва адолатли пойдевор қўйишига аминман.

Хонимлар ва жаноблар!

Ушбу анжуманнинг барча иштирокчиларига: Афғонистон вакилларига, АҚШ делегациясига, Россия делегациясига, ХХР делегациясига, Эрон Ислом Республикаси, Покистон Ислом Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон делегацияларига, табиийки, БМТ вакилларига Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлидаги харакатлари учун чуқур эҳтиром ва миннатдорлик туйғуларини яна бир бор изҳор этишга ҳамда барчангизга кўзланган мақсадни амалга оширишда — **Афғонистонда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликка эришишда** катта сабр-қаноат тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

---

UNITED NATIONS
Tashkent Meeting of the Group «6+2» on Afghanistan

*ТОШКЕНТ УЧРАШУВИ:*

# АФҒОНИСТОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Учрашувда сўзга чиққан БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили Л.Брахими БМТ Ўзбекистоннинг Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини таъкидлади. У БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг «6+2» гуруҳининг Тошкент учрашувини қўллаб-қувватлаб Президент Ислом Каримов номига йўллаган мактубини ўқиб эшиттирди.

Таъкидлаш керакки, «6+2» гуруҳининг ташкил топиши, унинг учрашувларини мунтазам ташкил этиш ўз-ўзидан бўлаётган иш эмас. У ниҳоятда машаққатли ва оғир меҳнат маҳсулидир. Хусусан, бу жараёнда Ўзбекистон ҳукуматининг салмоқли ҳиссаси борлигини айтиш жоиз. Негаки, Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши мамлакатимиз, қолаверса, бутун минтақа хавфсизлигини таъминлаш учун шароит яратади. Хавфсизлик ва барқарорлик эса тараққиётнинг энг муҳим шартидир.

Шу боисдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида Афғонистон муаммосига жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиб, бу масаланинг нечоғлик жиддий эканини алоҳида таъкидлаган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 1995 йилда бўлиб ўтган 50-сессиясида эса давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини бартараф этиш борасида қатор амалий таклифларни илгари сурди. Хусусан, бу давлатга қурол-яроғ киритишни қатъий тақиқлаш зарурлигини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Ислом Каримов бошқа кўплаб халқаро анжуманларда, турли давлатлар раҳбарлари билан музокараларда минтақа хавфсизлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун энг аввало, Афғонистон можаросини тинч йўл билан бартараф этиш зарурлигини такрорлашдан чарчамайди. Зеро, Афғонистондаги уруш нафақат бизга ёинки минтақамизга, балки халқаро хавфсизликка, ҳатто инсоният келажагига жиддий хавф туғдираётгани сир эмас. Яъни, бугун мазкур муаммо фақатгина қуролли ҳаракатлар билангина боғлиқ эмас, балки бу тупроқда улкан миқдорда наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандаси авж олаётгани, террорчилик ва диний экстремизм унсурлари урчиб бораётгани ҳам жаҳон аҳлини ҳақли равишда ташвишга солаётгани табиий.

1997 йил Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Афғонистонга чегарадош олти мамлакат ва АҚШ ҳамда Россия иштирокида мулоқот гуруҳи ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Орадан кўп ўтмай, бу ташаббус ҳаётда ўз инъикосини топди — «6+2» гуруҳи ташкил этилди. Унинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган эди.

Тошкент анжуманида иштирокчилар Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш чора-тадбирлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилди. Афғонистоннинг ички муаммоларини бартараф этишда ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш, ўзаро нифоқдаги томонлар ўртасида тўғридан-тўғри музокараларни бошлаш зарурлиги таъкидланди.

Анжуман ниҳоясида «Афғонистондаги можарони тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент Декларацияси имзоланди.

Учрашув якунида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди. Унда Л.Брахими «6+2» гуруҳи учрашувининг бевосита Афғонистон жойлашган минтақа — Ўзбекистонда ўтаётгани муҳим аҳамият касб этажагини таъкидлади. Яна бир эътиборга молик томони шундаки, Тошкент учрашувида Афғонистондаги икки асосий гуруҳ «Толибон» ҳаракати ҳамда Афғонистон Бирлашган фронти вакиллари илк бор бир стол атрофига йиғилди. Шунингдек, қабул қилинган Тошкент Декларацияси Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлидаги залворли қадам бўлганини қайд этди. БМТ Бош котибининг Афғонистон бўйича махсус вакили мазкур Декларация узоқ вақт мобайнида ишлаб чиқилгани ва ўзида Афғонистон заминида тинчлик ўрнатишнинг асосий тамойилларини жамлаш билан бирга, эндиликда «6+2» гуруҳи аъзоларининг нуқтаи назари ва қарашларини умумлаштирадиган муҳим ҳужжат сифатида ҳам амал қилишини айтди.

Дарҳақиқат, Тошкент Декларациясининг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. У «6+2» гуруҳига аъзо давлатлар ҳамда Афғонистонда низолашаётган томонлар учун тинчликка элтувчи харита вазифасини бажаришга қаратилган. Матбуот анжуманида таъкидландики, Декларация сўнгги манзил эмас. У «Толибон» билан Бирлашган фронт ўртасида, шунингдек, улар билан «6+2» гуруҳи аъзолари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилишига асос бўлади. Афғонистонда низолашаётган гуруҳлар вакиллари бундай музокараларга тайёрлик билдирди. Демак, Афғонистонда тинчлик ўрнатиш жараёни изчил давом этади, дея умид қилиш мумкин.

*(ЎзА).*

---

# АФҒОНИСТОН МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШ МУМКИН

**Афғонистон бўйича «6+2» гуруҳи Тошкент учрашуви давомида ЎзА мухбири анжуман иштирокчиларининг айримларидан бу учрашувнинг аҳамияти борасидаги фикрлари билан ўртоқлашишини сўради.**

**Карл Индерфурс, АҚШ делегацияси бошлиғи, АҚШ Давлат котибининг ёрдамчиси:**

— «6+2» гуруҳининг Тошкентдаги учрашуви Афғонистон можаросини бартараф этишга бағишланган дастлабки йирик халқаро анжумандир. У жуда катта аҳамиятга эга. Анжуманнинг мақсади — можарони тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги дастлабки қадамларини аниқлашдан иборат. Ўзбекистон ҳукумати ва «6+2» гуруҳида иштирок этаётган бошқа мамлакатлар, шу жумладан, АҚШ ҳукуматининг муаммога ягона ёндошуви олдиндан ишлаб чиқилди, бу бир-бирига қарши урушаётган томонларни музокаралар столи атрофига йиғиш, сўнгра эса Афғонистонда барча миллат ва элат вакилларидан иборат ягона ҳукумат тузилишига кўмаклашишдир. Тошкент учрашуви БМТ билан ҳамкорликда амалга оширилди. Учрашувнинг ташкил этилишида Президент Ислом Каримовнинг жуда катта хизмати бор. АҚШ Ўзбекистоннинг ушбу анжуманни «Толибон» ҳаракати ва Афғонистон Бирлашган фронти вакиллари иштирокида ўтказиш ташаббусини юқори баҳолайди ва ҳукуматимиз Афғонистон муаммосини ҳал этиш йўлларини излашда ҳар томонлама ёрдамга тайёрдир.

**Василий Средин, Россия Федерацияси делегацияси бошлиғи, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари:**

— Афғонистондаги вазият жуда хатарли. Шу боис воқеаларнинг куч ишлатиш йўли билан давом этишининг олдини олиш учун таъсирчан чоралар кўриш зарур. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ўтказилаётган «6+2» гуруҳининг Тошкентдаги ушбу учрашуви айнан шу мақсадга қаратилгандир. Ташкилотчилар бу учрашувни тайёрлар экан, «Толибон» ҳаракати вакиллари Афғонистондаги можарони бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларациясига имзо чекишини вазифа қилиб қўймаган эди. Бироқ қарама-қарши томонлар — «Толибон» ҳаракати ва Афғонистон Бирлашган фронти вакилларининг учрашувда иштирок этаётганлиги катта аҳамиятга эга ва бу бизга катта умид бағишлайди. Учрашувнинг ўзи ҳам, унда қабул қилинган ҳужжатлар ҳам қарама-қарши томонлар музокаралар столи атрофига ўтириб, можарони бартараф этишга қаратилган бевосита мулоқотни бошлашлари учун жиддий туртки бўлишига умид қиламиз.

*ЎзА мухбири А. ИВАНОВА ёзиб олди.*

---

# ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БУЮК НЕЪМАТ

# ҚЎШМА КОРХОНАНИНГ ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАРИ

***Бир йилда 6 миллион шиша инфузион эритмалар ва 396 миллион дона хапдорилар — «Кор фармсаноат» ўзбек-ҳинд қўшма корхонаси янги заводининг ишлаб чиқариш қуввати ана шунчалик юқоридир.***



Таъсисчиларни «Ўзфармсаноат» концерни, «Технофарм» акционерлик жамияти, кимё-фармацевтика илмий-текшириш институти, «Кор Холскер ЛТД» компанияси бўлган ушбу қўшма корхона икки йил давомида республикамизга дори-дармонларни етказиб бериш фаолияти билан шуғулланди. Куни кеча эса шаҳримизда ушбу қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти йўлга қўйилди. Дастлабки пайтларда у саккиз турдаги инфузион эритмалар ва 41 хил хапдорилар, шу жумладан иситмани туширувчи, оғриқни қолдирувчи, антибиотиклар, юрак хасталиги дориларини ишлаб чиқаради. Яқин уч йил ичида ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш, чиқарилаётган маҳсулот турларини кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

«Агрис» фирмаси бош пудратчилик қилган мазкур корхонанинг қурилиши жуда қисқа муддатларда — атиги 18 ой ичида охирига етказилди. Янги заводнинг цехлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Масалан, қолиплар, тўлдирувчилар тайёрлаш ва қадоқлашни амалга ошириш учун «Ромеллаг АГ» Щвейцария фирмасининг анжомлари олинган бўлса, иссиқ сувни стерилизация қилувчи ускуналарни эса Швециянинг «Getinge AB» компанияси етказиб берди. Япониядан ташқари Марказий Осиё мамлакатлари бўйича бошқа ҳеч қаерда бўлмаган «Тоза хона» эса янги заводнинг фахр-ифтихори ҳисобланади. У оғир хасталикларга чалинган кишиларга шифо беришда жуда асқотадиган томир ичига юбориладиган дори-дармонлар ҳисобланмиш инфузион эритмаларни чиқаришда юз фоизлик сифат ва тозалик кафолатини беришга имкон туғдиради. «Тоза хона»нинг монтаж ишларини Италиянинг «Никомек» компанияси амалга оширди. Ушбу хонада ишлаш айтишларича, кишига завқ бағишларкан. Зеро, бутун жараён компьютерлашган бўлиб, 1 — 2 нафар оператор фақат назорат ишларини бажаришади. Замонавий технология 15 сония ичида инфузион эритмалар қуйилган бешта шишанинг оғзини ёпишга имкон туғдиради. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, инфузион эритманинг асосини республикамиз катта ресурсларига эга бўлган сув ва Франциянинг «RO—CQUETTE» компаниясининг сувсиз глюкоза кукуни ташкил этади. Эритмалар қуйиладиган полиэтилен идишчаларни ишлаб чиқариш учун эса Германиянинг BASL компаниясининг технологияларидан фойдаланилмоқда. Эритманинг тозалигини эса PALL (Буюк Британия) компаниясининг 0,2 микронлик фильтрлари таъминлайди.



Маҳсулотнинг қатъий сифат текширувини янги корхонанинг зарур асбоб-анжомлар билан жиҳозланган махсус лабораторияси амалга оширади. Бу ерда тайёр маҳсулот ҳар хил ўлчамлар: кимёвий ва ҳажмий таҳлилдан тортиб, инсон танасида тарқалиш тезлигини белгилаш ва микробиологик тадқиқотгача бўлган 269 та тест синовларидан ўтади.



— Ўзбекистон бозорида инфузион эритмаларига бўлган эҳтиёж йилига 40 миллион шишани ташкил этади, — деди биз билан суҳбатда «Кор фармсаноат» қўшма корхонасининг президенти жаноб Бхарат Шоҳ. — Шу сабабдан яқин йиллар ичида ишлаб чиқариш ҳажмларини уч баробарга оширамиз ва маҳсулотлар миқдорини 18 миллион шишага етказамиз. Яна 10 миллион шиша дори-дармонларни эса ички фойдаланиладиган бошқа суюқликлар ташкил этади. Ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши билан тана ичига юбориладиган 73 хил хапдори ва 23 турдаги суюқликлар, шунингдек, 14 номдаги инфузион эритмаларни чиқариш имконияти туғилади. Қўшма корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотларнинг умумий ҳажми 7 миллиард сўмни ташкил этади. Қўшни республикаларда ҳам бизнинг маҳсулотларимизга талаб катта ва экспорт валюта тушумларининг кириб келишига йўл очади. Компаниянинг филиаллари ҳозиргача Қозоғистон ва Қирғизистонда рўйхатдан ўтказилган. Туркманистонда ҳам ваколатхонани очиш кўзда тутилмоқда. Келгусида корхонани пластик чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш режалари бор. Қайта ишланган пластик ҳам қўшни мамлакатларга экспорт қилинади.

Дори-дармонларни ишлаб чиқарувчи бундай нуфузли корхонанинг очилиши, «Ўзфармсаноат» концерни бошқарувининг раиси К. Шодиевнинг фикрича, Ўзбекистонда ўз фармацевтика саноатини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш умумдавлат дастурини амалга оширишда яна бир муҳим қадамдир. Бу эса кўпгина омиллар орқали юзага келди. Биринчидан, заводнинг қурилиши республиканинг инвестиция дастурига киритилган бўлиб. Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига кўра «Кор фармсаноат» қўшма корхонасига бир қатор имтиёзлар берилди. Бундан ташқари қўшма корхона Европа тикланиш ва тараққиёт банки йўналиши бўйича кредитор ва Халқаро Молия Корпорациясидан узоқ муддатли заём сифатида уч миллион 350 минг доллардан молиявий кўмак олди. Лойиҳанинг умумий қиймати 12,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Иккинчидан, янги қўшма корхонанинг хорижлик шериклар томонидан кенг қўллаб-қувватланишига эса республикамизнинг мустақиллиги имкон яратди. Бундан ҳатто 8 йил аввал ҳам мамлакатимиз шу каби «Саломатлик фабрикаси» тўғрисида орзу ҳам қила олмасди. Бугунги кунга келиб эса бундай орзулар амалга ошиб, халқимиз соғлиғи йўлида хизмат қилмоқда.

«Кор фармсаноат» қўшма корхонаси янги заводининг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Бхаскар Митра иштирок этди.

*Ўз мухбиримиз.*

*СУРАТЛАРДА: «Тоза хона»даги сифатли анжомлар; корхонанинг дастлабки маҳсулотлари; сифатни назорат қилиш лабораториясида.*

*В. Харитонов олган суратлар.*

---

*Танловлар*

# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

***Шайхонтоҳур туманидаги 48 та маҳаллада келинлар конкурси ўтказилган эди. Куни кеча туман миқёсида ўтказилган «Энг ибратли келинчак» конкурсида ушбу маҳаллаларда ғолиб чиққан 48 нафар келин қатнашди.***

Ғолибни аниқлаш ҳайъат аъзоларига осон бўлмади. Улар 4 босқичдан иборат чиқишни баҳолаш мезонида ҳар бир маҳалла ғолиб келинларнинг одоб-ахлоқ ва муомала маданиятига, унинг маънавий камолоти ва дунёқарашига ҳамда юриш-туриши, саҳнада ўзини тута билиш қобилиятига алоҳида эътибор беришди.

«Ташриф» деб номланган биринчи босқичда ҳар бир келин уч дақиқа ичида ўзини таништириши керак эди. Кейингиси «Уйга вазифа»да эса келинлар ижтимоий ҳаётимиздаги маънавият, маърифат, экология, соғлом авлод, ёш оналарнинг тадбиркорлиги ва бошқа долзарб мавзуларда ўзларининг маҳоратларини ишга солиб саҳна кўринишлари орқали ифода этишди.

Синовнинг учинчи «Савол-жавоб» босқичида ҳар бир келин мустақил мамлакатимизга оид барча саволларга аниқ, батафсил жавоб берди. Якуний босқичда эса уй бекалари ўз иқтидорларини рақсга тушиш, шеърни ёддан ифодали ўқиш, дуторда қўшиқ айтиш билан намоён этдилар.

Шундан кейин ғолиблар аниқланди. «Чорсу» маҳалла келини Гулноза Зоитова биринчи ўринни қўлга киритди. «Лабзак» ва «Қоратош» маҳаллалари келинлари Гулраъно Турсунова ҳамда Нигора Аҳмедоваларга фахрли иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди.

— Мақсадимиз келинларга баҳо бериш эмас, — деди ушбу тадбир мутасаддиси, Шайхонтоҳур туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кенгашининг раиси Саида Жалилова. — Келинларимизнинг барилатофатли, гўзал ва иболидир. Тадбир ўтказишдан мақсад шундай хислатли келинлар маънавияти, маданиятини янада оширишдан иборат.

*Гавҳар КАРИМОВА.*

*Кўргазмалар*

# «СПОРТ — СЕН САНЪАТСАН»

Илгари хабар берганимиздек, Ўзбекистон бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида «Спорт — сен санъатсан» деб номланган кўргазма очилди. Ўзбекистон бадиий академияси ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорликда ташкил этган ушбу кўргазмада графика, ҳайкалтарошлик, рангтасвир жанрларидаги соғлом турмуш тарзи ва спорт, миллий анъаналаримизни тараннум этувчи жуда кўплаб санъат асарлари намойиш этилмоқда. Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси эса кўргазмани спорт мавзусидаги газеталар, журналлар, плакатлар, футбол тўплари, пойабзаллари, вимпеллари билан таъминлади.

Юртимизнинг таниқли мўйқалам усталари — Содиқ Раҳмонов, Қутлуғ Башаров, Акмал Икромжонов, Маҳмуд Тўхтаев, Валерий Енин, Пётр Мардвиновнинг миллий спорт турларини ўзида акс эттирган суратлари, ҳайкалтарош Виктор Подосинниковнинг бетакрор ҳайкалтарошлик асарлари кўргазмага ташриф буюраётган кўплаб спорт ва санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирмоқда.

*Дилшод ИСРОИЛОВ,*
*Турдихол ШЕРОВА.*

*Танловлар*

# «ЭНГ ИБРАТЛИ КЕЛИНЧАК»

Аёллар йили муносабати билан ўтказилаётган «Энг ибратли келинчак» танловининг туман босқичи бўлиб ўтмоқда. Куни кеча Сергели туманидаги келинлар ҳам ўзаро беллашди. Унда танлов ўтказиш Низомига кўра тўртта шарт бажарилди. Келинларнинг маҳоратини, уларнинг маънавий савиясини, билимдонликларини баҳолаш борасида ҳакамлар ҳайъати анча бош қотиришига тўғри келди. Шундай бўлишига қарамасдан Умида Орипова («Наврўз» маҳалласи) ғолибликни қўлга киритди ва шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди. Иккинчи ўрин Лола Умарқуловага (Жомий маҳалласи), учинчи ўрин икки кишига Дилфуза Усмонова (Оқибат маҳалласи) ҳамда Назокат Аширова (Ҳабибий маҳалласи)га насиб этди.

Танловда иштирок этган барча иштирокчиларга туман хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Қизил Ярим Ой жамияти» ҳамда «Олтин мерос» хайрия жамғармаси томонидан эсдалик совғалари топширилди.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*



*Шаҳримизнинг мовий кўллари дилга ҳузур бағишлайди.*

*Ҳуқуқий давлат сари*

# ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йилдан бошлаб мустақил давлатчиликни шакллантириш, фуқаролик жамияти қуриш, фуқароларнинг давлатни бошқаришда қатнашиш имконини берадиган Қонун асосларини яратиш масалаларига юртбошимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, 1993 йил 2 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонунда маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятини янада такомиллаштириш, ўзлари фаолият кўрсатаётган ҳудудларда яшовчи фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш масалаларини ҳал қилиш билан бирга жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқтартиботни мустаҳкамлаш, бу борада жамоат ташкилотлари ишини ташкил қилиш масъулиятлари юклатилди.

Ушбу Қонун қабул қилингандан буён маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ осойишталигини таъминлаш ва юртимизнинг равнақини оширишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бизнинг Бектемир туманимиз ҳудудида ўтган феврал-март ойларида ижтимоий-сиёсий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, жиноят содир этишга мойил ва диний экстремистик оқим фаоллари ҳамда чет эл, МДҲ давлатларидан келиб, ноқонуний яшаётган шахсларни аниқлаш борасида туман ҳокимига, ички ишлар бўлимимиз ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ўзини-ўзи бошқариш органлари, давлат ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ҳамкорликда «Маҳалла» тадбирлар режаси тузилиб, шу асосда бир қанча ижобий ишлар амалга оширилди.

Туманимиз ҳудудида 1998 йилнинг охирида вужудга келган ижтимоий-сиёсий вазиятнинг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда уни барқарорлаштириш, жиноятчиликка қарши кураш ва олдини олиш, халқ осойишталигини таъминлаш, бу борада ўзини-ўзи бошқариш органлари иштирокини кучайтириш мақсадида туман ички ишлар бўлими томонидан киритилган таклиф ҳоким томонидан қўллаб-қувватланди.

Маҳаллаларда ҳар бир хонадонда яшовчи фуқароларнинг уй дафтарларидаги рўйхатлари бўйича яшаш қоидаларига амал қилишларини текшириш, паспортсиз, собиқ СССР паспорти билан ва бошқа жойлардан келиб ноқонуний яшаётган фуқароларни аниқлаш, уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш, паспортсиз ва СССР паспорти билан яшаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг миллий паспортининг берилиши ташкиллаштирилди.

Бундан ташқари, жиноят содир этишга мойил, муқаддам судланган, оилавий жанжалкаш, спиртли ичимлик ичишга рўжу қўйган, гиёванд ва бошқа тоифадаги шахслар ҳамда вояга етмаган ҳуқуқбузарларни аниқлаш, ҳисобга олиш, ҳисобда турганлар билан тарбиявий ишларни кучайтириш, тузалиш йўлига кирмаган, муқаддам судланган шахсларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш ва улар устидан назоратни кучайтириш бўйича амалий ишлар бўлимимиз ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари ҳамкорлигида амалга оширилиб борилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилган тадбирларнинг амалда бажарилишини ташкил қилиш учун туман ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Тошпўлат Раҳимов бошчилигида ишчи гуруҳи тузилди.

Амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар кунлик маълумотлар тайёрланиб, туман ҳокимлиги ва ички ишлар бошқармаси раҳбариятига тақдим этилиб турилди ва тадбирларнинг бориши, амалга оширилган ишлар натижаларини ҳар кунда ишчи гуруҳ раҳбарлари ҳузурида муҳокама қилиб борилди.

Ушбу кенг қамровли тадбир туманимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, диний экстремизим, ислом фундаментализмининг туманимизда илдиз отиб кетишига барҳам беришда ўз самарасини берди.

Ўтказган тадбиримизнинг асосий мақсади маҳаллалардаги ижтимоий вазият аҳолининг турмуш тарзи, яшаш шароитини тўлиқ ўрганиб чиқиш уларнинг Ўзбекистон республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланган ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида долзарб масалаларни ҳал қилиш бўлди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини паспортлаштириш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг фармойишининг амалда бажарилишини таъминлаш борасида алоҳида эътибор билан иш олиб бормоқдамиз. Шу боис меҳнатга қобилиятли, ишсиз фуқароларнинг аниқ сонларини билиш, озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахсларни ижтимоий ҳимоялаш ва уларни иш билан таъминлаш учун қўшимча иш ўринлари ташкил қилиш чора-тадбирларини ҳам амалга оширмоқдамиз.

Ҳозирги кунда маҳаллаларнинг ҳудудий чегараларини, аҳоли сони, ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқиш ва милиция участка вакилларини қайта ҳудудий бириктириш ва уларнинг хизмат хоналарини маҳалла гузарларига кўчириш масалалари ижобий ҳал қилинмоқда.

Ўйлайманки, диний экстремизм ислом фундаментализми илдиз отиб кетишига йўл қўймаслик бу бугунги кунларда энг муҳим чора тадбирлардан бири, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзаро ҳамкорлигини сусайтирмасалар, вояга етмаган ўсмирлар ва ёшларни назоратсиз қолдирмасдан, жиноят олами ва диний экстремизм таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишда ота-оналар, маҳалла, мактаб ва «Камолот» жамғармалари, ички ишлар идоралари билан ҳамкорликда фаолиятини кучайтиришса, бир ёқадан бош чиқариб, биргаликда ҳар қандай оқимлар ва ёвуз кучларга барҳам бериб пойтахтимизда тинчлик-осойишталикни ва жамоат тартибини сақлаймиз.

*Рашид АРУТЮНЯН,*
*Бектемир туман ички ишлар бўлимининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи.*

*Диққат, янгилик!*

# ДАН ХОДИМЛАРИ — БЕЖИРИМ ЛИБОСДА

Шаҳримиз кўчаларида ички ишлар ходимларини чиройли ва бежирим либосларда кўриб ҳавасингиз келган бўлса ажаб эмас. Мустақиллик шарофати билан ҳамма соҳаларда бўлгани каби Ички ишлар идораларида ҳам анча ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Юртбошимиз Олий Мажлиснинг охирги сессиясидаги маърузаларида Ички ишлар идораларида ислоҳот ўтказиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтгандилар. Ана шундан кейин Ички ишлар тизимларида, хусусан Тошкент шаҳар ИИБда кенг кўламдаги ислоҳотлар бошлаб юборилди. Тошкенти азимда осойишталикни таъминлаш, тезкор тадбирларни самарали ўтказиш борасида янги-янги замонавий компьютерлар, автомашиналар ва бошқа керакли жиҳозлар олинди.

Пойтахт милицияси ходимлари айни кунда янгича руҳ ва янгича кайфият билан иш олиб боришмоқда. Асакада ишлаб чиқарилган янги автомашиналар уларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилса, янги берилган хизмат кийимлари эса ҳар томонлама қулай, енгил ва ихчам. Унинг ижодкорлари юртимиздаги об-ҳаво шароитларини тўла инобатга олишган. Илгари ходимлар фуражкадан ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлади, деб нолишарди. Эндиликда эса, юқорида айтганимиздек туфлининг ипидан кўйлакнинг тугмасигача мутахассислар ўрганиб чиқишган. Энг муҳими, биз Мустақилликнинг 8 йиллиги олдидан ўз миллий милиция хизмати кийимига эга бўлдик. Ҳозирча янги хизмат кийими йўл-патруль ва пост-патруль хизмати ходимларига берилган. Аста-секин бошқа хизмат ходимлари ҳам янги миллий хизмат кийимларига эга бўлишади.

*Мурод ХУДОЙШУКУРОВ.*



*СУРАТДА: янги хизмат либоси кийган ДАН ходимлари.*
*Рустам Шарипов олган сурат.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасининг халқ таълими Бош бошқармаси умумтаълим мактабларининг 4-синфини битирган ўқувчиларни Ҳамза туманидаги футболга ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатга танлов асосида қабул эълон қилади.**

**Интернатга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:**
**ариза;**
**4-синф бўйича ўзлаштириш табели**
**(5-синфга ўтказилган бўлиши керак);**
**соғлиги тўғрисидаги 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;**
**яшаш жойидан маълумотнома;**
**3х4 см ҳажмдаги 2 та фотосурат.**
**Шунингдек, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.**

**Ҳужжат топширган ўқувчилар жисмоний ривожланганлиги ва тайёргарлиги текширувидан ўтганларидан сўнг босқичма-босқич 3 та (умумий жисмоний, махсус жисмоний тайёргарлик ва ўйин фаолияти бўйича) ихтисосга оид имтиҳон топширадилар ҳамда умумтаълим фанлар (математика ва она тили) бўйича тестдан ўтадилар.**

**Барча синовлардан муваффақиятли ўтган ўқувчилар рейтинг тизимидаги танлов асосида интернатга қабул қилинадилар.**

**Интернатда таълим-тарбия жараёни мазмунан янги ўқув режа ва дастурлар асосида амалга оширилади.**

**Аризалар Қабул комиссияси томонидан шу йилнинг 25 июлигача қабул қилинади.**

***Манзил:* Лисунов кўчаси, 1 квартал, тел: 97-09-82.**


*Ажойиботлар*

# СИРЛАРГА ТЎЛА МАРС САЙЁРАСИ

Коинотимиздаги барча биз кўриб, идрок қилиб турган сайёралар ичида Марс сайёраси кўп асрлардан бери турли соҳа мутахассислари, астрономларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Марс тўғрисида кўплаб, турли фантастик роман, қисса, ҳикоялар ёзилган. Жаҳоннинг минглаб олимлари тунлари уйқудан қолиб, турли замонавий асбоб ва аппаратлар орқали Марсни кузатадилар. Машҳур олим Иоганн Кеплер сайёралар ҳаракатининг учта қонунини очгандан кейин, сайёралар шакллари ва уларни ҳисоблашга кенг йўл очилди. Кеплер томонидан чиқарилган Марс орбитаси элементларининг ҳисоби ҳозирги замонникидан жуда ҳам кам фарқ қилади. Ер Қуёшдан 150 миллион километр узоқликда бўлса, Марс эса Қуёшдан ўртача 228 миллион километр узоқда. Кўриниб турибдики, Марс сайёраси Қуёшдан Ерга нисбатан 1,5 марта узоқда, шунинг учун у Ерга нисбатан 2,3 марта кам ёруғлиқ ва иссиқлиқ олади. Марс ҳар 15-17 йилда бир марта Ерга энг яқин масофада — 56 миллион километрда бўлади, айрим йиллари эса 100 миллион километр узоқда ҳам бўлади. Агар Ерда бир йил 365,25 суткани ташкил қилса, Марсда эса бир йил ўрта ҳисобда 678 суткани ташкил қилади. Марс ҳам Ер каби ўз ўқи атрофида айланади. Марс планетасининг шакли уч ўқли эллипсоидни эслатади. Энг катта диаметри 6788 километр, камроғи 6786 километр, қутбдагиси эса 6753 километрни ташкил қилади. Марс Ерга қараганда қутбларида кўпроқ сиқилган. Марснинг 2 та табиий йўлдоши бор. Бирининг олти Фобос (қўрқинч), иккинчиси Деймос (даҳшат)дир. Фобоснинг ҳажми 27х20 километр, Деймос эса 15х11 километрга тенг. Бу маълумотлар биринчи марта АҚШнинг 1971 йили Марс сайёрасига учирган. «Маринер-9» сайёралараро автоматик станцияси юборган ҳисобларга асосланган. Ҳозир ҳам «Маринер-9» Марснинг йўлдошига айланиб, керакли турли ахборотлар ҳамда минглаб телетасвирлар ва суратларни Ерга юбормоқда. АҚШ кейинги 20 йил ичида Марс сайёрасини чуқур амалий ўрганиш учун «Маринер-9», «Викинг-1» ва «Викинг-2» сайёралараро автоматик станциялар учириб. Марс сайёрасининг юзидан керакли маълумотларни аниқ далил асосида тўплаб илмий-амалий ҳулосага келди. Бу хулосалар натижасида шу нарса маълум бўлдики, Марс сайёрасида ҳеч қандай тирик мавжудот йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки Марс атмосферасининг 97 фоизи $CO_2$ (карбонат ангидрид) газидан, 1,5 фоизи азот, 1,5 фоизи арган газидан ташкил топган. Атмосфера босими Ерга қараганда 100 марта кам бўлиб, у ерда сув+2 градусда қайнайди. Марс планетаси юзини асосан заҳарли газлар қоплаган экан, тирик мавжудотнинг бўлишига ҳеч қачон шароит, имконият туғдирмайди. Шунинг учун келажакда Марс сайёрасини ўрганиш учун парвоз қиладиган астронавтлар албатта махсус скафандрда бўлишлари шарт. Балки улар излаб, бирор тирик мавжудот авлодининг қолдиғини топишар, буни келажак кўрсатади. Ҳозир олимларнинг фикрича, Марсга 2010 йилларга бориб парвоз қилиш имконияти бўлиши мумкин. Парвоз харажатлари камида 50 миллиард долларни ташкил қилади.

*Илҳом ШЕРМУХАМЕДОВ.*

***Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ходимларининг навбатдаги маърифат дарсининг мавзуси «Адолатпарварлик, ҳалоллик — ички ишлар ходимларининг кундалик фаолиятининг асосий мезони» мавзусида бўлиб ўтди.***

*«02»*

# ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Алишер Навоий номидаги Санъат саройига йиғилганларга энг аввало ИИББ матбуот маркази ходимлари томонидан тайёрланган фильм намойиш этилиб, унда ноқонуний ишлар билан шуғулланиб ички ишлар ходими деган шарафли номга доғ тушираётган номуносиб ходимлар ҳақида сўз борди. Бош бошқарма ходимлар сафларидаги ана шундай нопок кишиларни аниқлаб, уларга нисбатан ўзлари чоралар кўришмоқда. Мисол учун Қўриқлаш бўлагида хизмат қилувчи ходим хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб хусусий тадбиркордан катта миқдордаги пулни товламачилик йўли билан олаётганида қўлга олинди. Ички ишлар идораларида 16 йил хизмат қилган Сирғали туманидаги профилактика инспектори ҳам нафс қурбонига айланди. У муқаддам қамалиб чиққан кимсадан пора олаётганида тумшуғидан илинди.

Ички ишлар идоралари ходимлари озод Ватанни ҳимоя қилишда, мустақиллигимизни мустахкамлашда бор куч-ғайратини сарфламоқда. Буни биз кейинги воқеалар тимсолида ҳам кўрдик,— деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Олий Мажлис депутати Пиримқул Қодиров.— Ички ишлар ходимлари виждонан ва ҳалол меҳнат қилишмоқда. Бироқ улар орасида гуруч ичидаги курмакдек баъзи бир нобакорларнинг чиқиб қолиши албатта иснод келтиради.

Биз ишонамизки, бундайларга орангизда ўрин йўқ.

— Иймонли, эътиқодли ходимлар жуда кўп, — дея сўз бошлади Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги диний ишлар қўмитаси раиси Фозил қори Собиров. — Биз буни кўриб, билиб турибмиз. Пайғамбаримиз таъкидлаб ўтганларидай, инсонни йўлдан оздирувчи нарсалардан бири, бу — порахўрлик билан шуғулланиш. Кимки пора олиб кун кечираман деса янглишади. Оллоҳ таоло бундай инсонларга албатта жазосини беради. Буни ҳаётда ҳам кўп кўриб юрибмиз. Порахўрлик, коррупция ҳар қандай давлатни таназзулга келтиради. Тарихга бир назар ташласак буни уқиб олишнинг ҳеч қийинчилиги йўқ...

Сўзга чиққанлар асосан бугун республикамиз ҳаётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар, ҳали олдимизда ечимини кутаётган мавжуд муаммолар ҳақида гапиришди. — Биз бугун катта ижодкорлик ишларини амалга ошираяпмиз, келажаги буюк давлат қураяпмиз. Ана шу ҳайрли ишда ҳар биримиз ўз улушимиз билан ҳисса қўшмоғимиз зарур дейди шаҳар ИИББ бошлиғи, ички хизмат генерал-майори Р. Ҳайдаров. — Албатта бундай ишларни амалга оширишда ҳар биримиз фидойи бўлиб ёнмоғимиз лозим. Акс ҳолда ишимизда унум, барака бўлмайди.

Шу куни ёш зобитларга лейтенантлик унвонлари тантанали равишда топширилди. Ички ишлар бош бошқармаси ходимларининг ютуқ ва тажрабаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритишда фаоллик кўрсатган журналистларга эсдалик совғалари топширилди.

Маърифат дарси йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ.*


Республикада тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича аниқ таклифларга эга бўлган, юзага келган масалаларни ҳал этишда «Асака» банки ёрдамига муҳтож барча шахслар ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари)
**соат 10 дан 17 гача**
а) Тошкент шаҳар бўлимининг
**— (371) 50-99-11;**
б) Тошкент шаҳридаги автотранспорт филиалининг
**— (371) 120-81-80;**
в) Тошкент шаҳридаги Бош офиснинг
**— (371) 120-62-52**
*ишонч телефонлари орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.*

ASAKA BANK

**Тошкент ш., А. Қаҳҳор кўч., 73**
**Тошкент ш., Юсуф Хос Хожиб кўч., 14**
**Тошкент ш., Нукус кўч., 67**


Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республиқа Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Муҳаммадхоновна Ғуломовага турмуш ўртоғи

**Зоҳиджон УСМОНОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтампти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0536. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6